


Э.Т. Ахмедов, Э.Т. Бердиев



ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Э.Т. Ахмедов, Э.Т. Бердиев

**ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА
ДАСТЛАБКИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
5A411101—“Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси” мутахассислиги
бўйича таҳсил олувчи магистрантлар учун ўкув қўлланма сифатида тавсия
этилган.

Тошкент 2019

УЎК 633.88+634.9

Э.Т. Ахмедов, Э.Т. Бердиев. Доривор ўсимлик хом-ашёларини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси (ўкув қўлланма). - Тошкент, ТошДАУ Тахририят нашриёт бўлими, 2019. -115 бет.

Аннотация

Ўқув қўлланмада Ўзбекистонда учрайдиган табиий (маҳаллий) ва маданий ҳолда етишириладиган доривор ўсимлик хом ашёларини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси ҳамда уларнинг фармацевтика саноатидаги аҳамияти хақидаги маълумотлар келтирилган. Ўқув қўлланмани тайёрлашда доривор ўсимликшунослик соҳасидаги ишлаб чиқариш тажрибалари ва хорижий тажрибалар ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилган.

Ўқув қўлланмада доривор ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ҳамда дастлабки қайта ишлаш технологиясига доир маълумотлар атрофлича ёритилган.

Мазкур қўлланма доривор ўсимликларни етишириш билан шуғулланувчи мутахассислар, бакалавр ва магистрлар талабалар, фермерлар ҳамда ўрмон хўжалиги ходимлари учун мўлжалланган.

Аннотация

В учебной пособии приводятся сведения о заготовке, хранение и первичной переработке сырья местных и культурных лекарственных растений встречающихся в Узбекистане. В учебной пособии особо подчеркнут важность первичной переработки лекарственного растительного сырья для фармацевтической промышленности. При подготовке учебной пособии использованы материалы зарубежного опыта по заготовке и переработке лекарственного растительного сырья.

Учебное пособие предназначены для специалистов организаций, специализировавшихся выращиванием лекарственных растений, для студентов, магистров, а также для работников лесного хозяйства и фермеров.

Annotation

The textbook provides information on the procurement, storage and primary processing of raw materials of local and cultivated medicinal plants found in Uzbekistan. The textbook emphasizes the importance of the primary processing of medicinal plant materials for the pharmaceutical industry. In preparing the textbook, materials of foreign experience in the procurement and processing of medicinal plant materials were used.

The textbook is intended for specialists of organizations specializing in the cultivation of medicinal plants, for students, masters, as well as for forestry workers and farmers.

Тақризчилар:

А. Ганиев - Тошкент давлат аграр университети, “Доривор ўсимликлар” кафедраси мудири, фармацевтика фанлари номзоди, профессор.

У. Рўзиметов- Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти, Доривор ўсимликларни ётиштириш технологияси лабораторияси мудири, к/х. ф. н. .

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 26-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент давлат аграр университети Илмий Кенгашининг 20 йилдаги -сонли баённома қарорига биноан нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
1-БОБ	ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРИХИ	9
2-БОБ	ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ	19
	Доривор ўсимлик хом ашёсими тайёрлаш асослари	19
	Доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотлари.	23
	Маҳсулотларни тайёрлаш қоидалари	32
	Доривор ўсимликларни кимёвий таркиби	37
3-БОБ	ДОРИВОР ХОМАШЁ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИ	40
	Доривор ўсимлик хом-ашёларига бирламчи ишлов бериш.	41
	Доривор ўсимлик хом-ашёларини қуритиш усуллари	41
	Табиий қуритиш	45
	Сунъий қуритиш	49
4-БОБ	ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁ СИФАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР	56
	Хом ашёларни товар ҳолатга келтириш	56
	Доривор ўсимликларни қабул қилишда сифатига қўйиладиган талаблар.	58
5-БОБ	ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАДОҚЛАШ ВА САҚЛАШ	60
	Доривор маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш)	60
	Доривор ўсимликларни (маркировкалаш) белгилаш	64
	Маҳсулотни транспорт воситаларида жўнатиш	65
	Доривор маҳсулотларни саклаш	66
	Доривор хом-ашё зааркунандалари ва уларга қарши қурашиб чора-тадбирлари	70
6-БОБ	ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁСИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ	74
	Доривор ўсимлик хом-ашёсидан тахлил учун намуна олиш	74
	Маҳсулотни қабул қилиш	75
	Ўртача намуна олиш	76
	Маҳсулотни тахлил (анализ) қилиш	82
7-БОБ	ХОМ-АШЁНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ОПТИК АСБОБЛАР ВА ПРЕПАРАТЛАР	85
	Доривор ўсимлик маҳсулотларини анатомик ёки микроскопик тахлил усуллари	86
	Доривор ўсимлик маҳсулотларини макроскопик тахлил усуллари	87
	Микропепарат тайёрлаш тартиби	88
8-БОБ.	ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ҚОИДАЛАРИ	91
	Стандартлаш типлари	92
	Доривор ўсимликларни стандартлаштириш	97
	Доривор ўсимлик маҳсулотлари ҳақиқийлигини аниқлаш ва тахлил қилиш.	98
	Доривор ўсимлик маҳсулотларини ҳақиқийлигини аниқлашда микрокимёвий тахлил	100
	ГЛОССАРИЙ	103
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	108

СОДЕРЖАНИЕ

	ВВЕДЕНИЕ	4
1-ГЛАВА	ИСТОРИЯ ЗАГОТОВКИ, ХРАНЕНИЕ И ПЕРЕРАБОТКИ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕРИЙ	9
2-ГЛАВА	ОСНОВЫ ЗАГОТОВКИ СЫРЬЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ	19
	Основы заготовки растительного лекарственного сырья	19
	Лекарственные растительные сырья	23
	Правила сбора лекарственного сырья	32
	Химический состав лекарственных растений	37
3-ГЛАВА	СПОСОБЫ СУШКИ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	40
	Первичная обработка лекарственного растительного сырья	41
	Способ сушки лекарственного растительного сырья	41
	Естественная сушка	45
	Искусственная сушка	49
4-ГЛАВА	ОСНОВНЫЕ ТРЕБОВАНИЕ НА КАЧЕСТВО ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	56
	Приведение сырья в товарное состояние	56
	Основные требования на качества сырья при приёмке лекарственных растений	58
5-ГЛАВА	УПАКОВКА И ХРАНЕНИЕ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	60
	Упаковка лекарственного сырья	60
	Маркировка лекарственного растительного сырья	64
	Отправка лекарственного сырья в транспорте	65
	Хранение лекарственного сырья	66
	Вредители лекарственного сырья и меры борьбы с ними	70
6-ГЛАВА	АНАЛИЗ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	74
	Отбор среднего образца для анализа	74
	Приёмка сырья	75
	Отбор среднего образца	76
	Анализ лекарственного сырья	82
7-ГЛАВА	ОПТИЧЕСКИЕ ПРИБОРЫ И ПРЕПАРАТЫ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ ДЛЯ АНАЛИЗА ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	85
	Способы анатомического или микроскопического анализа лекарственного сырья	86
	Способы макроскопического анализа лекарственного сырья	87
	Подготовка микропрепараторов	88
8-ГЛАВА	ПРАВИЛА СТАНДАРТИЗАЦИЯ ЛЕКАРСТВЕННОГО РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ	91
	Типы стандартизация	92
	Стандартизация (ФС) лекарственного сырья	97
	Определение подлинности сырья по внешним морфологическим признакам	98
	Определение подлинности сырья по микрохимическим анализам	100
	ГЛОССАРИЙ	103
	СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ	108

CONTENT

	INTRODUCTION	4
1- chapter	HISTORY OF PREPARATION, STORAGE AND PROCESSING OF MEDICINAL PLANTS	9
2- chapter	BASES OF PREPARATION OF RAW MATERIALS OF MEDICINAL PLANTS	19
	Basics of the procurement of herbal medicinal raw materials	19
	Medicinal plant materials	23
	Terms of collecting medicinal raw material	32
	The chemical composition of medicinal plants	37
3- chapter	METHOD OF DRY MEDICINAL HERBAL RAW MATERIALS	40
	Primary processing of medicinal raw materials	41
	The method of drying a medicinal plant material	41
	Natural drying	45
	Artificial drying	49
4- chapter	BASIC REQUIREMENT FOR QUALITY OF MEDICINAL HERBAL RAW MATERIALS	56
	Bringing raw materials to marketable condition	56
	Basic requirements for the quality of raw materials when taking medicinal plants	58
5- chapter	PACKING AND STORAGE OF MEDICINAL HERBAL RAW MATERIALS	60
	Packaging of medicinal raw materials	60
	Labeling of medicinal plant materials	64
	Sending medicinal raw materials in transport	65
	Storage of medicinal raw materials	66
	Pests of medicinal raw materials and measures to combat them	70
6- chapter	ANALYSIS OF MEDICINAL HERBAL RAW MATERIALS	74
	Selection of a medium sample for analysis	74
	Acceptance of raw materials	75
	Medium Sampling	76
	Analysis medicinal raw materials	82
7- chapter	OPTICAL DEVICES AND DRUGS, USED FOR THE ANALYSIS OF HERBAL RAW MATERIALS	85
	Methods of anatomical or microscopic analysis of medicinal raw materials	86
	Methods of macroscopic analysis of medicinal raw materials	87
	Preparation of micropreparations	88
8- chapter	RULES STANDARDIZATION OF MEDICINAL HERBAL RAW MATERIALS	91
	Types of standardization	92
	Standardization (FS) of medicinal raw materials	97
	Determination of the authenticity of raw materials by external morphological characteristics	98
	Determination of the authenticity of raw materials by microchemical analysis	100
	GLOSSARY	103
	LIST OF REFERENCES	108

КИРИШ

Инсоният доривор ўсимлик маҳсулотларидан фойдалана бошлагандан то шу кунгача уларнинг хом-ашёсини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Етиширилган маҳсулотни сифатли холатда сақлаш, ундан унумли фойдаланиш ўтмишдан инсон эҳтиёжларининг асосий воситаларидан бири бўлиб келган. Кўчманчи ҳалқлар йигилган мева ва уруғларни сақлаш учун маҳсус ертўлалар қазишган. Ўтмишда хаётий зарурат туфайли қадимги қабилалар ҳам ортиқча (озик-овқат) маҳсулотларни сақлаш ва зараркунандалардан асраш чораларини ўргана бошлашган.

Мамлакатимиз олимларининг турли худудларида олиб борилган археологик (қазилмалардан) изланиш натижалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш қулдорлик тизими давридаёқ амалга оширилганлигидан далолат беради. Бу ерлардан маҳсулотлар сақланадиган хумлар, кўза ва бошқа идишлар топилган.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида ҳам қадимдан асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга катта эътибор қаратилган. Дастрраб, инсон фаолияти учун зарур бўлган маҳсулотларни сақлаш мақсадида улар (гўшт, ёғ, сут, балиқ, тухум каби маҳсулотлар, сабзавот ва мевалар) музлатиб қўйилган.

Ўзбекистонда озиқ овқат маҳсулотларини сақлашнинг энг қадимги усулларидан маҳсулотни кўмиб ёки осиб-қуритиб сақлаш, мевалардан қоқи тайёрлаш каби қуритиш усулларидан кенг фойдаланилган. Маҳсулотларни сақлаш, қайта ачитиш, сабзавот, дон, мева, гўшт, сариф-ёғ, сузма, қази ва тухумни ерга кўмиб ва тоғли худудларда табиий ғорларда сақлаш, полиз маҳсулотларини осиб сақлаш, турли мева, қовун, помидордан қоқи тайёрлаш, узум, укроп, кашнич,райхон, жамбил ва аччик қалампирни қуритиш амалда кенг қўлланиб келинган. Асосан қуруқ маҳсулотлар тез бузилмайдиганлар ҳисобланиб, улар қуруқ жойда, шиша, чинни ёки сопол идишларда, ёпиладиган

коғоз қутиларда сақланган. Дон ва ун асосан қопларда, катта кўза, хум ёки толдан тўқилган сават-қутиларда сақланган.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш сақлаш ва қайта ишлаш технологиясига доир дастлабки умумий маълуматларни IX-X асрларда баён этилган манбаларда келтирилган бўлиб, бунда асосан Европа давлатлари билан савдо-сотиқ орқали уларни Марказий Осиёга кириб келиши ва чиқишига доир маълумотларни учратиш мумкин.

Марказий Осиёда X-XII асрларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича бир қатор асарлар яратилди. Уларда эса асосан дехқончилик, озиқ-овқат ва зиравор маҳсулотларини қайта ишлашга доир маълумотлар келтирилган.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда улардан тайёрланадиган препаратлар ва дориларга доир дастлабки систематик тафсилотлар маълумотларни XIII-XV асрларда баён этилган манбаларда келтирилган. Манбаларда келтиришича, XV-асрлардан бошлаб маҳсус китоблар чоп этилган ва дорихоналар расман фаолият кўрсата бошлаган.

Маълумки, кейинги йилларда доривор ўсимлик хом-ашё ресурсларига талаб ошганлиги сабабли улардан оқилона фойдаланиш, уларни маданий ҳолда етиштириш, тайёрланган хомашёни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усууларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини доривор ўсимлик хом ашёларига бўлган талабни қондириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Булар 2004 йил 28 октябрда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг №508-сонли “Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарига олиб чиқиш ва олиб кириш, биологик ресурслардан рационал фойдаланиш учун назоратни қучайтириш тўғрисида”ги, “Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 222-сонли мажлиси баёнининг 3 бандида кўрсатилган – “Доривор ўсимликшунослик ва янги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор ўсимликларни саноат миқёсида плантацияларини яратиш” тўғрисидаги

қарорлари, “2015 йил 20 январдаги № 5-сонли “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озиқабоп ўсимликлар хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” мажлис бённомаси 1.12 банди”, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 19 ноябрдаги “Унаби (Чилонжийда) плантацияларини кенгайтириш, унинг шифобахш ва озиқовқатлик хусусиятларидан кенг фойдаланиш тўғрисидаги” 851-ф сонли фармойиши, 2017 йил 3 май ойида Президент фармони (ПФ- 5032-сонли) асосида 7 та фармацевтика худудлари (*Қорақалпогистон республикасида-Нукус фарм, Сурхондарё вилоятида-Бойсун фарм, Тошкент вилоятида-Паркент ва Бўстонлиқ фарм, Жizzах вилоятида-Зомин фарм, Сирдарё вилоятида-Сирдарё фарм, Наманган вилоятида- Косонсой фарм*) ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифлари даврида, Республикаизда заъфарон (шафран) плантацияларини барпо этиш, фармацевтика саноати эҳтиёжларини таъминлаш ва экспортбоп доривор ўсимликларни кўпайтиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида мажлис қарори ва унга асосан **2017 йил 21 августда** Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган №114-йиғилиш баёнининг “Республикаизда заъфарон (шафран) плантацияларини барпо этиш, фармацевтика саноати эҳтиёжларини таъминлаш ва экспортбоп доривор ўсимликларни кўпайтиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ЭДО-03/1-421-сонли қарори билан “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси”, “Агробанк” АТБ, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, “Ўзфармсаноат” ДАК, “Brand Investment Group” МЧЖ таъсисчилигига, заъфарон (шафран) ўсимлиги бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, уни кўпайтириш ва етиштириш ҳамда бошланғич жараёнда экспорт қилишга ихтисослаштирилган **“Шафран илмий тадқиқот маркази” МЧЖ** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.03.2018 йилдаги “Республикада Каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини

қайта ишлаш хажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3617-сон қарори каби бошқа қарор ва қонунлар шулар жумласидандир. Бунинг натижасида ҳозирги кунгача дори-дармон ишлаб чиқариш тармоғининг ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талаби имкон даражасида қондирилмоқда.

Фармацевтика саноати учун доривор ўсимликлар хом ашё маҳсулотларини тайёрлаш сақлаш ва дастлабки қайда ишлаш бевосита етиширувчи (тайёрловчи) мутахассисларга боғлик бўлиб, кўйиладиган фармацевтик талабларга жавоб бериши керак. Яъни, хом ашё маҳсулотларни товар (белгиланган тартибда) ҳолатида тайёрлаш, ўсимликларни белгиланган тартибда қуритиш, хом ашё маҳсулотларини имконияти борича исроф қилмасдан ҳамда сифатли сақлаш; маҳсулотларни сақлаш даврида тегишли технологик жараён ва усулларни қўллаб уларнинг сифатини янада ошириш, оз меҳнат сарф-харажат қилиб, маҳсулотларни рентабель ҳолда сақлашни тақозо этади.

Маълумки, доривор ўсимлик хом ашёлари халқ хўжалиги истеъмол моллари сирасига киради. Етиширилган хар бир хом ашёнинг сифати қатор омилларга боғлик бўлиб, фармацевтика маҳсулотларининг (хом-ашё) технологик қиймати тўғридан-тўғри агротехник тадбир, об-ҳаво, етишириш шароити, ҳосилни йиғиб олиш усули ва муддати, хом ашё маҳсулотининг тури ва кимёвий таркиби, ташиш ва сақлаш шароитига, умуман олганда товар сифатига узвий боғлиқдир. Шу боис, Республикаизда фармацевтика саноатининг доривор ўсимликлар хом ашёсига бўлган талабини қондириш, уларни белгиланган тартиб ва талаб даражасида тайёрлаш, қуритиш ва сақлашни тақозо этади.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш, қуритиш ва сақлаш технологияси фани хом-ашё турларини сифатли тайёрлаш ва сақлаш жараёнлари, шунингдек уларни дастлабки қайта ишлаш жараёнлари билан таништиради ва атрофлича ўргатади. Соҳа мутахассислари етишириган хом ашё маҳсулотни қандай мақсадда ишлатилишини билиши муҳим. Бу фанни тўлиқ ўрганиш

мутахассисларда доривор ўсимликлар хом-ашёсими тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича малакали билим ва кўникмаларни шакллантиради.

Доривор ўсимликларини тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш фанининг *мақсади шартли равиида қўйидагича изоҳланади*;

1. Доривор ўсимликлар хом ашё турлари ва уларни тайёрлаш мавсумларини назарий ва амалий асосларини ўргатиш.

2. Доривор ўсимликлар хом-ашёларини тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усуллари ўргатиш.

3. Хом-ашёни ишлаб чиқариш учун тайёр товар ва сертификат асосида стандарт ҳолига келтириш усулларини ўргатиш.

4. Фармацевтика саноатига тоза ва экологик соф доривор хом-ашё маҳсулотларини етказиб бериш.

Унинг вазифаларни:

Доривор ўсимлик хом-ашё турлари ва уларни тайёрлаш мавсумларини билиш.

Доривор ўсимлик хом-ашёларини тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усуллари билиш.

Доривор ўсимлик хом-ашёларини ишлаб чиқариш учун тайёр стандарт ҳолига келтириш усулларини билиш.

Тоза ва экологик соф доривор ўсимлик хом-ашёларини тайёрлаш усулларини билиш.

Доривор ўсимлик хом-ашёларини қадоқлаш усулларини билиш.

Доривор ўсимлик хом-ашё турларини сақлаш усулларини билиш.

Шундай қилиб, “Доривор ўсимликлар хом-ашёларини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш” фани комплекс фан бўлиб, ўз ичига жуда кўп масалаларни олади. Бу эса ўз навбатида фармацевтика саноати учун доривор ўсимлик хом ашё турларини тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини (хом ашёни тайёрлаш, қуритиш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш усуллари ҳамда стандарт ва сертификат асосида товар ҳолига келтириш усулларини) ўргатиш ҳамда тоза ва экологик соф доривор хом-ашё маҳсулотларини етказиб беришни тақозо этади.

1-БОБ

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРИХИ

Доривор ўсимликлардан фойдаланиш тарихи. Ўтмишдан инсоният ўсимлик дунёсидан озиқ-овқат ва шифобаҳаш восита сифатида фойдаланиб келинган. Шу даврда доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар қабиладан-қабилага ва авлоддан-авлодга фақат оғзаки равишда ўтиб келган ва тарқалган.

Кейинчалик, давлатлар ўртасида савдо-сотик ва бошқа муносабатлар ўрнатилгандан сўнг, ана шу давлатларда бошқа давлатлардан келтирилган доривор ўсимликлар ҳисобига доривор ўсимликлар маҳсулотининг турлари кўпая борди. Ёзув пайдо бўлганидан кейин доривор ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар ёзма равишда тарқала бошлади. Демак, доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича бошланғич тарих маълумотларини ёзув ва илм-фан тараққий топган даврдан бошланган деб ҳисоблаш мумкин.

Қазилмаларда Сурия шохи Ассурбанипал (Сарданапал, эрамиздан аввалги 668 йил) кутубхонасидаги сополга миххат билан ёзилган 22000 жадвал топилган бўлиб, шундан 33 та жадвал доривор ўсимлик маҳсулотларига доир маълумотлар кайд килинган. Тарихий маълумотларга қараганда, ўша даврда Сурия давлатида доривор ўсимликлар экиласидиган майдонлар ҳам бўлган. Мисрда эса доривор ўсимликлар бундан ҳам илгари экила бошланган. Масалан, эрамиздан 2000 йил аввал Мисрда канакунжут ўсимлиги экилганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

Доривор ўсимликлар ҳақида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган қадимий маълумотларни юонон адабиётларида учратиш мумкин. Юононлар (Греклар) ўзларида етишириладиган доривор ўсимликлардан фойдаланиш билан бир қаторда, Миср, Эрон ва бошқа Осиё мамлакатларидан келтирилган доривор маҳсулотлардан ҳам фойдаланишган.

Машхур қадимги хакимлар (врачлар) Буқрот (Гиппократ), Арасту (Аристотель) ва уларнинг шогирди Теофраст, фармакогнозия «асосчиси» Диоскорид каби олимларнинг номлари дунё бўйлаб тарқалган.

Буқрот (эрамиздан аввалги 460-377 йиллар) bemорларни парҳез овқатлар билан даволаган. У ёзган китобларида доривор ўсимликларнинг 236 тури таърифланган.

Арасту ва унинг шогирди Теофраст (эрамиздан тўрт аср олдин) кўпгина доривор ўсимлик турларини таърифлаш билан бирга уларнинг шифобахш (фойдали) хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтишган.

Ўз даврининг атоқли олими врачи Диоскорид (эрамизнинг I асрида яшаган), «*Materia medica*» номли машхур китобида жуда кўп доривор ўсимликларни расмлари билан келтирган ва тавсиф берган. Лотин тилига таржима қилинган бу китобдан Европалик врачлар XVI асргача қўлланма сифатида фойдаланиб келганлар.

Кўхна Римда Гален ва Плиний (акаси) доривор ўсимликлар бўйича дарслик тайёрлаш билан узоқ вақт шуғулланганлар. Врач Гален (эрамизнинг 130- йилларида туғилган) фармация ва тиббиёт соҳасига доир бир қанча китоблар ёзган. Олимлар ўз китобларида 304 та доривор ўсимлик, 80 та ҳайвон ва 60 та минерал моддадан олинадиган дориларни таърифлаган.

Гален ўсимлик ва ҳайвон органларидан тайёрланган (таркибида таъсир этувчи модда бўлган) дори турлари билан bemорларни даволашни биринчи бўлиб таклиф этади. Бу дорилар ҳозирги кунда ҳам «*Гален препаратлари*» номи билан юритилади. Галеннинг тиббиёт ва фармация соҳасида ёзган асарлари XIX асргача тиббиёт амалиётида катта аҳамиятга эга бўлиб келди.

Осиёning шарқий-жанубида жойлашган давлатларда (Хитой, Тибет, Хиндистон) қадимдан bemорларни асосан доривор ўсимликлар билан даволаб келинган. Шу сабабли Ҳиндистон, Тибет, Хитой ва Араб табобатида (тиббиётларида) ишлатиладиган доривор ўсимликлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ҳиндистон флораси ўсимликларга жуда бой бўлиб, унда кўплаб доривор ўсимликлар учрайди. Шунинг учун бу ерда халқ табобати бой тажрибага эга бўлиб, bemorlarни асосан маҳаллий flora доривор ўсимликлари билан даволанганлар.

«Яюр-веда» («Ҳаёт ҳакидаги фан») доривор ўсимликлар ҳақида ёзилган кўхна ҳинд китобидир. Бу китоб қайта-қайта ишланиб бир неча бор чоп этилган. Ҳинд олими Врач Сушрута қайта ёзган бу китобда 700 хил доривор ўсимлик баён этилган. Бу китоб ҳозирда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Ҳинд тиббиёти дастлаб Тибет, Хитой, Япония, кейинчалик эса Мўгулистон ва Россияга (Бурятияга) ёйила бошлайди. Бу давлатлардаги маҳаллий доривор ўсимликлар сони Ҳиндистондан келтирилган ўсимликлар ҳисобига орта борди.

Осиё давлатларида қадимдан фойдаланиб келинаётган доривор ўсимликлар, ҳайвон маҳсулотлари ва минерал моддаларни маълум бир тизимга солища Араб тиббиёт олимларининг хизмати катта бўлди. Улар тиббиёт соҳасида ёзилган китобларни нафақат араб тилига таржима қилиш, балки қайта нашрдан чиқаришга ҳам эришдилар. Ҳиндистондаги доривор маҳсулотлар ва моддаларни араб тиббиётида қўллай бошладилар.

Ўз даврининг машҳур табиблари юртдошимиз бухоролик Абу Али Ибн Сино, хоразмлик Абу Абдаллаҳ Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Бакир Муҳаммад ибн Закария ар-Розий, Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, эронлик Абу Мансур Мувафак, араб Муҳаммадхон ўғли Абдулғозихон, Ибн Байтар ва бошкалар бутун дунёга машхур.

Абу Мансур Мувафак Ҳиндистонга саёҳат қилиб, ҳинд тиббиёти ҳамда у ерда ишлатиладиган доривор моддалар билан танишади ва бу ҳақда китоб ёzádi. Muallif ўз асрларида 466 та ўсимлик ва 44 хил ҳайвондан олинадиган доривор маҳсулотларнинг қўлланишини таърифлайди. Озарбайжонлик фармация магистри Абдул Ахундов 1893 йилда бу китобни чуқур ўрганиб, араб тилидаги доривор маҳсулотларни аниқлади.

Ибн Байтар ўз китобида 1400 хил доривор маҳсулотларни таърифлаган.

Машхур ҳаким Абу Али Ибн Сино-1020 йилда 5 жилдлик «Ал-қонун» («Тиб қонунлари») китобини ёзади. Бу китобнинг II-жилди оддий ва V- жилди эса мураккаб дориларга бағишиланган бўлиб, китобнинг II-жилдидаги ўша замонда тиббиётда ишлатиладиган 811 та доривор ўсимликлар, улардан ва ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ҳамда минерал доривор воситаларига тавсиф берилган. Китобда келтирилган доривор ўсимликлар сони 500 тадан, ўсимликлардан олинган доривор воситалар сони 40 тадан ортиқни ташкил этади.

«Тиб қонунлари» («Ал-қонун») асари кўпгина Европа тилларига таржима қилинган бўлиб, факат лотин тилининг ўзида 16 марта чоп этилган. XVI асртаги Европа врачлари ундан қўлланма сифатида фойдаланганлар. Осиё мамлакатларида, айникса табобатда ва анъанавий тиббиётда ҳозирда ҳам «Ал-қонун»дан кенг фойдаланилмоқда.

Буюк муттафакир олим Абу Райхон Беруний умрининг сўнги йилларида «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб», яъни «Тиббиётда доривор»асарини яратади. Бу асарда ўша даврнинг шарқ табобатида қўлланиладиган 674 та доривор ўсимлик ва 90 та ўсимлик маҳсулотлари тўғрисида фикр юритилади. Булардан ташқари, «Сайдана»да яна 104 та ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар ҳамда бу вақтгача тўғри аниқланмаган 113 та доривор ўсимликлар ҳақидамаълумотлар мавжуд.

Ибн Сино ва Ал-Беруний асарларида доривор ўсимликларни сақлаш ва қайта ишлаш технологиясига доир қатор маълумотлар (доривор ўсимлик маҳсулотларини йиғиш, қуритиш, сақлаш муддати, улардан турлари тайёрлаш масалалари ва бошқалар) ўз ифодасини топган.

Америка қитъасининг XV асрда очилиши муносабати билан Европа медицинасида ишлатиладиган доривор ўсимлик турлари Америка флораси ўсимликлари (масалан, коқа, тамаки, какао, хин дарахти ва бошқалар) ҳисобига кўпая бошлади.

Араб тиббиёти XII асрдан бошлаб аста-секин Европага таркала бошлади. Шу даврда Европада ҳам араб дорихоналаршга ўхшаш дорихоналар очилади.

Европада шарқ дориларидан ташкари, маҳаллий доривор ўсимликлардан фойдалана бошладилар, доривор ўсимликлар ҳақида ўнлаб китоблар ёзилди.

Европаликлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Африка ва Австралия тропик мамлакатларининг доривор ўсимликларини ўрганишгакиришдилар. Африкада ўсадиган кола ёнғоги, строфант, калабар дуккаги ҳамда Австралияда ўсадиган эвкалипт дарахти Европа фармакопеясидан ўрин олди.

Демак, XVII-XX асрларда ғарбий Европа давлатлари дорихонларида маҳаллий доривор ўсимликлар билан бир қаторда, Хиндистон, Африка, Америка, Австралия ва бошқа қитъалардан келтирилган маҳсулотлар ҳам бўлар эди.

Ғарбий Европа илмий тиббиёти XVII асрдан бошлаб ўзиниш турли хил дori маҳсулотлari билan Россияga таъsир қўrsata бошлади. Славян xалқlari ҳam қадимdan беморларни даволашda доривор ўсимликларни kўp iшлатганлар. Россияda доривор ўсимликлар билan шуғулланадиган кишиларни «травниклар» деб аташган.

IX асрдан бошлаб хорижий мамлакатларда, хусусан Византияда доривор ўсимликлар ҳақида турли хил маълумотлар тарқala бошлайди. Баъзи шаҳарларда доривор ўсимликлар сотадиган дўкончалар очилади, дўкондорлар dori сотиш билan бирга, доривор ўсимликларни йиғиш va улардан дори тайёрлаш билan машғул бўладилар. Ўша вақтдаги доривор ўсимликлар ичida ҳозирда кенг қўлланадиган хрен, наъматак ва бошқаларни учратиш мумкин.

Россия билan Ғарбий Европа давлатлари ўртасида алоқа ўрнатилгандан сўнг XVI асрда Москвада биринчи дорихона очилади. Дорихонадаги дориларнинг деярли ҳаммаси Ғарбий Европадан келтирилган бўлиб, у ерда чет элдан келган кишилар хизмат қиласарди.

Кейинчалик шарқ давлатлари, хусусан Хитой ва Хиндистон савдогарлари Москвага доривор маҳсулотлар келтириб сота бошлайдилар. Шу аснода Россияda маҳаллий доривор ўсимликларни йиғиш иши ҳам авж олиб кетди.

Шу даврда Москвада руслардан врач ва дорихона ходимлари тайёрлайдиган медицина мактаби очилди. 1654 йилда биринчи марта унга 30 ўкувчи қабул қилинди.

XVII асрнинг охирларига келиб рус тилида ёзилган китоблар ҳам нашр қилина бошланди. Москва ва унинг атрофида доривор ўсимликлар ўстириладиган маҳсус дорихона майдонлари ташкил этилади.

Доривор ўсимликларни экиш ва йиғиш ишларига Петр I жуда катта аҳамият беради. 1701 йилда Москвада 8 та дорихона очиш ҳакида буйруқ чикади. Ана шу дорихоналарни дорилар билан таъминлаш учун Россиянинг турли туманларидан дori маҳсулотлари келтирила бошланди. 1702 йилда Петр I Сибирдан доривор ўсимликлар келтириш ҳакида буйруқ чикаради. Кейинчалик Қозон, Новгород, Лубни ва бошқа шаҳарларда ҳам дорихонлар очилади. Лубни дорихонаси асосан ҳарбий қисмларни дori билан таъминланган. Петр I буйруғи билан ғарбий госпиталлар қошида ҳам дорихона майдонлари барпо килинди.

Астрахань, Лубна ва Петербург шаҳарларида доривор ўсимликларнинг катта плантациялари ташкил этилди. Плантациялар қошида Гален лабораторияси ва маҳсулот сақлайдиган омбор бўлган. Кёйинчалик доривор ўсимликлар ўстириладиган иссик хоналар қурилди. '

Петр I ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни йиғиш масаласига ҳам жиддий эътибор беради. У дехқонларга доривор ўсимликларни мажбурий равища йигдирган.

Петр I 1724 йилда Россия Фанлар академиясини очиш тўғрисида фармон чиқаради. Шу даврда Россия флорасини илмий асосда ўрганиш мақсадида Фанлар академияси томонидан бир қанча илмий экспедициялар уюштирилади.

1754 йилда тиббиёт медицина канцелярияси (Аптекарский приказ ўрнига ташкил этилган) чет давлатлардан доривор ўсимликлар олмаслик тўғрисида кўрсатма берди.

XVII аср охирларига келиб матбуотда доривор ўсимликлар тўғрисида бир қанча янги маълумотлар эълон қилинди ва китоб бўлиб босилиб чиқади. А. Т.

Болотовнинг маколалари ва медицина фанлари доктори, профессор Н. М. Максимович-Амбодикнинг кўп жилдли китоби шулар жумласидандир.

XIX асрнинг биринчи ярмида босилиб чиккан доривор ўсимликларга оид муҳим китоблардан профессор И. А. Двигубский асари ҳамда профессор А. П. Нелюбиннинг икки жилдли «Фармакография» китоби айниқса диккатга сазовор.

XVII XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ишлари кенг йўлга кўйилганлиги туфайли бутун қитъалардан Европа бозорига доривор ўсимликлар келтирила бошланди. Улар кўпинча қирқилган ҳолда бўлиб, бу маҳсу- лотларнинг тозалигини, таркибида аралашма бор-йўқлигини аниқ- лаш керак бўларди. Шу сабабли фармакогнозия бошқа фармация фанларидан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди ва бу ишлар билан шуғуллана бошлади. Орадан кўп ўтмай турли тилларда фармакогнозиядан кўлланмалар босилиб чиқди.

Доривор ўсимлик маҳсулотларининг анатомик тузилишини рус олимлари микроскоп ёрдамида ўргана бошладилар. Москва университетининг фармация профессори А. В. Тихомиров 1900 йилда босилиб чиккан китобида кўпгина доривор ўсимлик маҳсулотлари- нинг анатомик тузилишини биринчи бўлиб тасвиirlab берди.

1899 йилда профессор Варлих Россияда ўсадиган доривор ўсимликлар атласини ва шу даврда рус олими Н. И. Анненков ботаника лугатини тузади. Бу китоблар ҳозир ҳам ўз кимматини йўқотмаган.

Швейцариялик фармация профессори Чирх Гарбий Европада ўсадиган ўсимликлар устида узоқ вақт иш олиб боради. Унинг шу соҳада ёзган уч жилдли китоби оламга машҳур.

Биринчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг чет мамлакатлардан Россияга дori маҳсулотлари олиб келиш имкони бўлмай қолди. Шундан кейин Россия флорасини, айниқса доривор ўсимликларни ўрганиш ва уларни кўп миқдорда йиғиши ишлари бошланиб кетди. Баъзи доривор ўсимликлар (кўкнори,

ангишвонагул, канакунжут) плантациялари ташкил этилди. Белладонна ўсимлиги ўсадиган жойлар аникланди.

Россия доривор маҳсулотларга муҳтоҷ бўлсада, лекин уларни йиғиш ишлари факат Россиянинг Европа қисмидагина уюштирилган бўлиб, флорага бой Кавказ, Сибир, Ўрта Осиё ва бошқа ерлар эътибордан четда колдирилган эди.

Собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлиги Республикада 1921 йилда доривор ўсимликларни йиғиш ва экиш тўғрисидаги маҳсус Декрет чиқаради. Бу Декрет фармацевтика саноатининг ривожланишида, дорихоналарни дori маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда доривор ўсимликларни йиғишида катта аҳамиятга эга бўлади. Дори маҳсулотларини йиғиш иши билан факат давлат маҳкамалари шуғуллана бошлайди ва бу иш маълум режа асосида олиб борилади. Декрет асосида янги илмий-текшириш муассасаларини очиш, доривор маҳсулотлар сифатини аниқлаб берувчи қўлланма ва стандартлар тузиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш учун дарсликлар яратиш зарур эди. Шу максадда 1931 йилда Бутуниттифоқ, доривор ва ҳушбўй ўсимликлар илмий-текшириш институти (ВИЛАР) очилади.

Бундан ташқари шу даврда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР) очилади. Бу институтнинг асосий вазифаси чет элдан келтирилган доривор ва бошқа фойдали ўсимликларни экиш усувларини ҳамда уларнинг агротехника қоидаларини ўрганишдан иборат эди.

Доривор ўсимликларни экиш ва агротехника усувларини ўрганиш билан уларга бўлган эҳтиёжни қондириш қийин бўлиб, шу сабабли доривор ўсимликларни қидириб топиш мақсадида ташкил этилган экспедициялар Кавказ, Урта Осиё, Сибир, Узоқ Шарқ ва бошқа туманлар флорасини ўргана бошлади. Бундай экспедициялар Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар институти (ВИЛР), Республикализ ва республикалар фанлар академиясига қарашли ботаника институтлари, ботаника боғлари, фармацевтика институтлари ва бошқа олий ўкув юртлари ҳамда илмий-текшириш институтларининг айrim лабораториялари тамонидан уюштирилиб келинди. Айниқса бу соҳада ВИЛР ва

Россия Фанлар Академиясининг Ботаника боғлари томонидан ўтказилган экспедициялар диққатга сазовордир. Экспедициялар натижасида янги, айникса чет элдан келтирилган доривор ўсимликлар ўрнини босадиган жуда кўп доривор ўсимликлар топилди. Шу билан бирга қатор доривор ўсимликларнинг кўп ўсадиган жойлари, уларнинг захиралари аниқланди ва маҳсус хариталарга белгиланди. Камайиб кетаётган муҳим доривор ўсимликларни маълум миқдорда тайёрлаш ва уларни сақлаб қолиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Доривор ўсимликларни излаб топиш ва ўрганиш иши ҳозир ҳам кенг кўламда олиб борилмокда. Янги доривор ўсимликларни топишда халқ табобатида ишлатиладиган доривор маҳсулотларни ўрганиш, ўсимликларни филогенетик қардошлигидан фойдаланиш билан бир қаторда маълум туман флорасини ялпи кимёвий анализ қилиш катта аҳамиятга эга.

Тиббиётда маълум касалликни даволаш ва шу касалликларни олдини олиш учун қўлланиладиган ўсимликларни *доривор ўсимликлар* деб юритилади.

Касалликни даволаш ва унинг олдини олиш мақсадида доривор ўсимликлардан дori турлари тайёрланади ёки улардан доривор препаратлар ва соф ҳолдаги доривор моддалар олинади. Бунинг учун шу ўсимликларнинг касалликларни даволаш хусусиятга эга биологик фаол моддаларга бой бўлган қисмларидан-яъни, баъзи ўсимликларнинг ер ости органларидан (илдиз, илдизпоя, туганак ёки пиёз), баъзиларининг эса устки органларидан (барг, гул, мева, уруг, пўстлок ёки ўт ўсимликларнинг бутунлай ер устки қисми ўти) фойдаланилади. Баъзи дori турлари, доривор препарат ва тоза моддалар ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг бирламчи ишлаш йўли билан олинган эфир мойлари, смолалар, мой ва ёғлар, дaraohт елимлари, заҳарлар (илон ва асалари заҳарлари), ланолин, праполис ва бошқалардан ҳам тайёрланади ва олинади.

Доривор ўсимликларни сақлаш ва қайта ишлаш технологиясида дori турлари тайёрлаш ҳамда доривор препаратлар ва тоза моддалар олиш учун ишлатиладиган доривор ўсимликлар ва ҳайвон органлари ёки улардан бирламчи ишлаш йўли билан олинган маҳсулотлар *доривор маҳсулотлар* деб аталади.

Давлат фармакопеясига (ДФ) киритилган доривор маҳсулотлар официаль маҳсулот, фармакопеяга киритилмаганлари эса ноофициаль маҳсулот ҳисобланади. Ноофициаль доривор маҳсулотлар Республика давлат стандартлари: ёки бошқа норматив-техник ҳужжатларда (НТХ) баён этилади.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси фанининг асосий негизи «фармакогнозия» фани бўлиб, унинг тиббиётда аҳамияти катта. Чунки, кимё фанининг, айниқса синтетик кимёнинг юқори даражада тарақкий қилишига ва кўплаб кучли таъсир этувчи доривор моддалар синтез йўли билан олиннишига қарамай тиббиётда қўлланиладиган доривор препаратларнинг 10 га яқин ўсимликлардан олинади. Бу кўрсаткич айrim касалликларни-масалан, юракқон томирлари касалликларини даволаш соҳасида ишлатиладиган доривор препаратларда 80 % ни ташкил қиласди. Келажак тиббиётида ўсимликлардан олинадиган доривор препаратлар ва доривор ўсимликларни янада кўпроқ ишлатиш режалаштирилмокда.

Доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган табиий препаратларга тиббиёт соҳасида бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу ҳол асосан синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий доривор препаратни узоқ вақт узлуксиз равишида истеъмол қилиш инсон ва ҳайвон организмида турли нохуш ўзгаришларни юзага келтириши билан изоҳланади. Шунга кўра охирги вақтларда бутун дунёда ўсимлик доривор препаратларига- фитопрепаратларга ва доривор ўсимликларга эҳтиёж ортмоқда. Бу эса ўз навбатида доривор ўсимликларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси фани аҳамиятининг янада ошишига ва уни янада чуқур ўрганишга олиб келади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Диоскориднинг машҳур китоби?
2. «Гален препаратлари» номи билан юритилади.
3. Фармакогнозия фани нималарни ўргатади
4. Доривор маҳсулотлар деб нималарга аталади.

2-БОБ.

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ АСОСЛАРИ

Хом ашёсини тайёрлаш асослари. Ўзбекистон тиббиётида қўлланиладиган доривор воситаларнинг 38-40% ни ўсимликлардан олинадиган препаратлар ташкил қиласди. Баъзи оғир касалликларни даволашда ишлатиладиган муҳим аҳамиятли айрим доривор препаратларни (юрак гликозидлар, қатор алкалоидлар, терпенлар, сапонинлар, стероид ва фенолли бирикмалар ва бошқа биологик фаол моддалар) шу вақтгача синтез йўли билан олиб бўлмади. Уларни олиш манбаи ҳозирча фақат ўсимликлар бўлиб қолмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари жуда катта турли географик ҳудудлардан ташкил топган. Бу ҳудудлар тропикдан ташқари ҳамма иқлими туманларни: абадий музлик билан қопланган баланд тоғлар, тундра, тайга ўрмонлари, чўл, ярим чўл, сахро ҳамда нам субтропик ва бошқаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам уларнинг флораси жуда бой. У 19000 дан ортиқ ўсимлик турларидан ташкил топган. Шулар ичида доривор ўсимликлар ҳам кўп. Аммо, ҳозирги вақтда уларни ҳаммасидан ҳам тиббиётда касалликларни даволашда тўлиқ фойдаланилмаяпди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан чоп этилган дори воситалари расмий рўйхатида тиббиётда ишлатиладиган 282 тага яқин шифобахш ўсимликлар келтирилган.

Кимёвий фармацевтика саноатига қарашли корхоналарда 254 хил фитопрепаратлар ишлаб чиқарилган. Шу доривор препаратлар 152 тур доривор ўсимликлардан олинган ва 171 хил маҳсулотлар тайёрланган. Шу кўрсатилган доривор маҳсулотлар асосан мамлакатимиз ҳудудида табиий ҳолда ўсадиган ҳамда айрим хўжаликлар далаларида ўстириладиган доривор ўсимликлардан тайёрланган.

Юқорида күрсатилганидек, кимё-фармацевтика саноати, Гален лабораториялари ва дорихоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар йили қўп миқдорда доривор ўсимлик хом ашё маҳсулотлари тайёрланади.

Фармацевтика саноати ва дорихоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар йили катта миқдорда доривор ўсимликлар маҳсулоти тайёрланади. Маҳсулотлар асосан табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан йигилади. Йил сайнин доривор ўсимлик хом ашё маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда. Бу эса ўз навбатида тайёрланадиган хом-ашё маҳсулоти миқдорининг ошиб боришига сабаб бўлмоқдалар.

Табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларнинг хом ашё захираси ҳар қанча қўп бўлмасин, фармацевтика саноатинингдоривор ўсимлик маҳсулотларига бўлган талабири қондириш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бунда табиий шароитда ўсадиган ўсимликларни популяциясини сақлаб қолиш ва уларни хом ашёларини тайёрлашнибелгиланган тартибда амалга ошириш талаб этилади. Бу эса маҳсулотларнинг тайёрлашни илмий-амалий асосланган режасини ишлаб чиқиш ва унгақатъий риоя қилишини тақозо этади.

Доривор ўсимлик хом ашёларини тайёрлашида қуйидаги ишлар бажарилади:

1. Доривор ўсимликларни тайёрлаш ишини уюштириш.
2. Маҳсулотни йифиши.
3. Йифилган маҳсулотни қуритиши.
4. Йифилган маҳсулотни стандарт (тавар) ҳолига келтириш.
5. Маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш).
6. Маҳсулотларни транспорт воситалари билан жўнатиши.
7. Доривор маҳсулотларни сақлаш.

Доривор ўсимликларни тайёрлашни ўз вақтида тўғри уюштириш жуда катта аҳамиятга эга. Одатда, бу иш билан туман марказий дорихонаси (ТМД) шуғулланади. Туман худудида доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш

ишларини уюштириш билан ТМД да катта провизор-фармакогност лавозимидағи мутахассис, агарда бундай лавозим бўлмаса, у ҳолда дорихона мудирининг ўринбосари ёки шу вазифани бажариш юкланган бирор бошқа мутахассис шуғулланади.

Доривор ўсимликларни тайёрлашни уюштиришида қуийидагилар бажарилади ва ташкил қилинади:

- маълум туман буйича доривор ўсимликларнинг тайёрлаш режасини билиш ва уни туманда йиғиш мумкин бўлган доривор маҳсулот миқдорига солиширган ҳолда аниқлаш;

- рўзнома ва радио орқали халқ ўртасида қандай доривор ўсимликлар қачон, қандай қилиб, қаерда йиғилиши, қуритилиши, сотиб олиш баҳоси ҳамда қаерда топширилиши лозимлиги тўғрисида тўлиқ ахборот берадиган тегишли тушунтириш ишини олиб бориш;

- худи шу кўрсатилган масалаларни тўлиқ акс эттирадиган варақалар чоп эттириш ва уни аҳоли қўп йиғиладиган, ҳаммага яхши кўринадиган ерларга осиб қўйиш;

- дорихона қошида доривор ўсимлик хом-ашёлари тайёрловчилар учун қисқа муддатли ўқиш (тушунтириш) ниташкелетиш;

- доривор маҳсулотни йиғиладиган ерни аниқлаш;

- доривор ўсимликлар қўп ўсадиган жойини ва заҳирасини аниқлаш;

-доривор маҳсулот йиғиладиган жойни танлаганда иложи борича транспорт воситаси (автомашина) борадиган ва аҳоли яшайдиган жойдан олис бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Чунки, доривор маҳсулотларни йиғишга ишдан бўш бўлган шу ерли аҳоли, мактаб ўқувчилари ва пенсионерлар жалб этилади;

- доривор маҳсулотларни тайёрлашни ташкил этиш;

- йиғилган доривор маҳсулотни тайёрланган жойда қуритишни ташкил қилиш. Агарда маҳсулотни йиғилган жойида қуритишни иложи бўлмаса, у ҳолда уни зудлик билан қуритиладиган ерга транспорт воситасида етказиш ва қуритишни ташкил этиш.

Доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш тегишли, ваколатли ташкилотлар тасдиқлаган қатъий режа бўйича олиб борилади. Бу ишни режалашда доривор ўсимликларни табиий шароитда йўқолиб кетмаслигини ва уларни муҳофаза қилишнинг бошқа чора-тадбирлари инъобатга олинган бўлиши керак:

- режаланган миқдордан ортиқча тайёрламаслик;
- доривор ўсимлик маҳсулотини фақат кўрсатилган ва режаланган даладан йиғиш ҳамда йиғиладиган далани ҳар йили қоидага биноан алмаштириб туриш;
- доривор маҳсулотни йиғиш режаси уни эксплуатацион заҳирасидан ортиқча бўлмаслигига риоя қилиш;
- кўп йиллик ўтли ўсимликларнинг доривор маҳсулот сифатида унинг ер устки қисмидан фойдаланиладиган бўлса, уни илдизи билан суғуриб олмаслик, яъни бу доривор ўсимликин табиий шароитда йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда доривор ўсимликлар ҳамма худудларда тайёрланади. Аввалда бу ишлар Украина, Беларус республикалари, Кавказ ва Россиянинг Европа қисмидаги вилоятлар, автоном республикаларида ва ўлкаларида яхши йўлга қўйилган.

Доривор ўсимликларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда ўстириш билан қўйидаги идоралар шуғулланади:

Ўзбекистон республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш” қўмитаси-«бионазорат» ташкилоти табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар маҳсулотларини тайёрлаш ишларини режалайди, доривор маҳсулот миқдорини ва йиғиладиган далаларни аниқлайди ҳамда раҳбарлик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика „Фармация“ ишлаб-чиқариш бирлашмаси бошқармаси ва унинг вилоятлардаги идоралари турли доривор ўсимлик маҳсулотларини катта миқдорда тайёрлайди. Масалан, маккажўхори оналик устунчаси (соқоли, попуги), тоғрайхон, бўймодарон, аччиқ шувоқ, наъматак ва бошқалар.

«Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти ҳар йили 21 тур доривор ўсимликлардан 60-70т. га яқин миқдорда маҳсулотлар тайёрлайди. Жумладан, далачой, аччиқ шувоқ, бўймодарон, зубтурум, оққалдирмоқ, газанда, дала қирқбўғими, майда гулли тоғрайхон, маккажўҳори оналик устунчаси, наъматак меваси ва бошқалар.

Доривор ўсимликларни йифиш билан яна Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги кўмитасига тегишли “Шифобахш” Доривор Ўсимликларни Етиштириш ва Қайта Ишлаш Маркази ҳамда бошқа ташкилотлар. Бу идоралар ўзларига бириктирилган худудларда ўсадиган доривор ўсимлик маҳсулотларини йигади ва тегишли корхоналарга топширади.

Доривор хом-ашё маҳсулотларни. Биологик фаол моддалар ўсимликларнинг ҳамма органларида бир вақтнинг ўзида кўп миқдорда тўпланмайди, шунинг учун ҳам уларни турли вақтларда тайёрлашга тўғри келади.

Доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларини қўйидаги муддатларда йифиб олиш лозим бўлади:

Барглар одатда ўсимлик гуллаши олдидан ёки гуллаганида йифиб олинади. Барглар жуда оҳисталик билан, иложи борича ўсимлиkkа зарар етказмасдан йифиб олинади (белладонна, ангишвонагул ва бошқа ўсимлик барглари).

Баъзан ўт ўсимликларнинг баргини тайёрлаш учун ер устки қисми ўриб олинади, сўнgra барглари терилади ёки ер устки қисми қуритиб майданади. Барглари ажратилиб, пояси ва шохлари олиб ташланади. Бунда новда ва гуллар аралашмаси баргларга қўшилиб кетиши мумкин (ялпиз, газанда ва бошқа ўсимликлар).





1-расм. Барг хом- ашёлари

Ўсимликнинг *ер устки қисми (ўт)* ўсимлик гуллаганида йигилади. Ўсимликнинг эр устки қисми поясининг тагидаги барглар олдидан ўриб олиниб, поянинг баргсиз қисмiga тегилмайди. Бўйи баланд ўсимликларнинг эса поясининг тепа қисми (10-20 см узунликда) ва шохчалари кесиб олинади (аччиқ шувоқ, далачой ва бошқа ўсимликлар).



2-расм. Ўсимликнинг ер устки қисми хом ашёлари

Куртаклар эрта баҳорда (очилмасдан илгари) ўсимлик танасида суюқлик юра бошлаган вақтда йифилади. Куртаклар ўсимликлардан териб олинади ёки куртакли шохчаларни қирқиб олиб сўнгра шохчалардан куртакларни аста-секин қоқиб тўпланади.





3-расм. Куртак хом-ашёлари

Пўстлоқлар ҳам эрта баҳорда, яъни ўсимлик танасида суюқлик юришиб, ёғоч қисмидан осон ажralадиган даврида, поя ва йўғон шохларидан шилиб олинади. Пўстлоқ олишни осонлаштириш учун поя ёки йўғон шохларни бир-биридан 30 см масофада икки еридан ўткир пичоқ билан кўндалангига, кейин узунасига кесилади ва пўстлоқ ажратиб олинади.





4-расм. Пўстлоқ хом ашёси

Гуллар ўсимлик қийғос гуллаганды йиғилади. Кўпинча гуллар алоҳида - алоҳида кесиб олинади. Баъзан гул тўпламининг ҳаммаси (дастарбош, маржондаражти ва бошқалар) ёки гулнинг айрим қисмлари (сигирқўйруқ ўсимлигига фақат гул тожибарлари) йиғиб олинади.

Плантацияларда ўстирилган ёки ёввойи ҳолда кўп учрайдиган майда гулли ўсимликларнинг гули маҳсус асбоб билан йиғилади (мойчечак ва бошқалар).





5-расм. Гул хом ашёлари

Мева ва уруғлар пишиб етилган даврда йиғилади. Мевалар одатда эрталаб ёки кечқурун йиғиб олинади, кун исиганда йиғилса, қурук меваларнинг уруғи сочилиб кетиши мумкин.

Мевалар турига қараб тайёрланади. Баъзилар қўл билан битта-битта узиб олинади, бошқалари эса таёқ билан қоқиласди.

Уруғлар ҳам турли усуллар билан тайёрланади. Баъзи уруғлар маҳсус асбоб билан мевадан ажратиб олинади (бодомуруғи ва бошқалар). Майда мева ва уруғлар эса уруғлар етилганидан сўнг ёки етилиши олдида ўсимликни ўриб қуритиб, сўнгра хирмонда янчиб тозаланади (фенхель, арпабодиён ва кашнич мевалари, хантал уруғи ва бошқалар).



6-расм. Мева ва уруғ хом ашёлари

Ер остык органлар (илдиз, илдизпоя, туганак ва пиёзлар) одатда ўсимлик уйқуга кирган вақтида – эрта баҳорда ёки кеч кузда тайёрланади. Баъзи ер остык органларни ўсимлик гуллаб бўлганидан сўнг йифилади. Чунки, уларнинг баъзиларини ўсаётган ерида баланд бўйли бегона ўсимликлар орасидан топиш қийин (солаб турлари ва бошқалар), баъзиларини қуриб қолган пояларини эса шамол синдириб учирашади (етмак ва бошқалар).

Ер остык органларни белкурак, кетмон ва бошқа асбоблар билан қазиб олинади. Бир жойни ўзида ўсимлик кўп ҳамда ер остык органлари яхши ривожланган бўлса, у ҳолда трактор билан ковлаб олинади (қизилмия ва

бошқалар). Йиғилган ер остки органларни лой, тупроқ, қум, барг ва поялардан тозалаб (баъзиларини сувда ювиб), қуритиш учун майда бўлакларга қирқилади.



7-расм. Ер остки қисми хом ашёлари

Ўсимликнинг ер устки қисмларини, масалан барги, гули ва бошқа қисмларини шудринг кўтарилигандан сўнг ҳаво очик пайтида йиғиб олинади. Ёмғир ёки эрталабки шудринг кўтарилимасдан олдин йиғилган ўсимликларни қуритиш қийин, улар куртилганида ҳам қорайиб кетади. Йиғилган доривор маҳсулотларни саватларга босиб ёки бир ерга уюб қўйиб бўлмайди, чунки намлик ва иссиқлик (қизиш ёки қуёш ҳарорати) таъсирида ўсимлик тўқималарида чукур биокимёвий ўзгаришлар рўй беради, организмга таъсир

этувчи кимёвий бирикмалар парчаланиб кетиб, доривор маҳсулот ўз қимматини йўқотади.

Маҳсулотларни тайёрлаш қоидалари. Доривор ўсимликларнинг хом ашё қисмларини йиғиш уларда тасир этувчи моддаларнинг энг кўп микдорда тўплаган даврида олиб борилади. Ўсиликни ривожланиш (онтогенез) жараёнида ўрганиш натижасида унинг таркибидаги биологик фаол моддаларнинг энг кўп микдорда тўпланишига қараб, хом ашёни оптимал йиғиш муддати белгиланади.


Доривор хом ашёни йиғиш муддати тақвим даврларда ифодалансада, лекин улар фактат умумий йўлланма сифатида келтирилади. Баъзан уларни йиғиб ривожланиш фазаси билан тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Ўсимликлар ривожланиши бир неча факторларга боғлиқ: ўсимлик ўсадиган географик зонага, ўсимликларнинг ўзига хосхусусиятларига, йилнинг метериологик шароитига, тупроқ шароитига ва бошқалар. Масалан, ширинмия илдизини таёрлаш Урал ўлкасида май ойидан октябргача, Доғистонда мартдан июнгача, Ўзбекистонда эса октябр ойининг охиридан то апрел ойигача бўлган муддатларда олиб борилади.

Шунинг учун йиғиш даврини аниқ белгилашда (ташқи белгиларга қараб) ривожланиш фазаларини назарда тутиш лозим. Бу фазалар айрим ўсимлик турлари учун бир хил бўлмай, уни белгилаш ўсимликнинг турли органларида биологик фаол моддаларнинг максимал микдорда тўпланишига боғлиқ.

Баъзи ўсимлик вакилларининг алоҳида қисмлари йиғилади, ўсимликни хом ашё қисми йиғилганда, имкон қадар (кераксиз бўлмаган қисмлари кам аралашган, бегона ўсимликлар умуман аралашмаган ҳолда) тўғри йиғилиши керак. Масалан, ер устки (ўти) хом ашёлари тайёрлаш ва қуритишга алоҳида эътибор берилиш лозим. Бунда дастлаб ўсимлик хом ашёлари тозаларнади, тахтланади ва боғлаш учун тайёрланади. Сўнгра уларни орасидан иплар ўт қисмига яқинроқ жойдан ўтказилади ва боғланади. Худди шу тартибда иккинчи боғлам ҳам тайёрланади ва боғланади. Ортиқча кераксиз ер устки қисмлари олиб ташланади икки боғлам бир бири жуфт қилиб бирлаштириб боғланади.

Кейинчалик жуфт боғламлар белгиланган тартибда соя ва салқин жойларда қуритилади (расм).

Хар-бир хом-ашё турларини куннинг хар-хил вақтларида йиғилиши мумкин. Асосан очиқ ҳавода, кундузги соатларда хом ашёни йиғиш қулай. Хом-ашёни эрта сахарлаб ёки қуёш ботгандан сўнг, яъни ўсимликда шудринг бўлган вақтда йиғиш тавсия этилмайди.



8-расм. Хом ашёни тайёрлаш усуллари

a) хом ашёни таҳтлаш усули; б) хом ашёдан ип ўтказиш усули; в,г,д,е) хом ашёни боғлаш усуллари; ж) ортиқча жойларини кесиш; з) осиш ва қуритиш усули.

Жадвал 1.

Республикамизда асosий тайёрланадиган доривор ўсимликлар рўйхати

№	Ўсимликнинг номи	Йигиш муддати	Махсулот	Ўсадиган жойи
				и
1	Арман гулхайриси – <i>Althea armeniaca</i> Ten.	Октябр	Илдизи	Ариқ, кўл бўйларида, тўқай, буталар орасида
2	Аччиқ торон – <i>Polygonum hydropiper</i> L.	Май- сентябр	Ер устки қисми	Ботқоқлашган жойларда, кам ўтлоқларда, ариқ, кўл, ховуз, зовур бўйларида
3	Шафтолибаргли торон <i>Polygonum persicaria</i> L	Июл- сентябр	Ер устки қисми	Нам эрларда, ариқ бўйларида, боғларда ва полизларда
.				
4	Қушторон – <i>Polygonum aviculare</i>	Июн – сентябр	Ер устки қисми	Йўл ёқаларида, ташландиқ ерларда, ариқ бўйларида, экинлар (айниқса буғдойзор) орасида
5	Баланд бўйли андиз – <i>Inula grandis</i> Schrenk.	Октябр	Илдиз ва илдизпоя	Нам ерларда, сув бўйларида, ўтлоқларда ва буталар орасида
6	Майдагулли тоғрайҳон- <i>Origanum tytthanthum</i> Gontch	Июн-август	Ер устки қисми	Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги майда тошли қияликларда
7	Дагал далачой – <i>Hypéricum scabrum</i> L.	Июн-август	Ер устки қисми	Тоғларда ўрмон четларида, буталар орасида
8	Оддий далачой – <i>Hypéricum</i>	Июн-август	Ер устки қисми	Йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда,

	<i>perforatum L</i>			бедазорларда, тоғларда үрмөн четларида, буталар орасида
9	Чаён ўт- <i>Urtica dioica L.</i>	Июн-август	Барги	Йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, нам ва салқин ўрмөнларда, аҳоли яшайдиган ерларга яқин жойларда, буталар орасида
10	Кўка – <i>Tussilago farfara L.</i>	Июн-июл	Барги	Тоғлик ерларида, дарё ҳамда ариқ бўйларида, ўрмөнларда, жарликларда ва горларда
11	Катта зубтурум- <i>Plantago major L.</i>	Йил бўйи	Барги	Йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмөн четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа нам ерларда
12	Ўрта зубтурум – <i>Plantagomedia L.</i>	Йил бўйи	Барги	Йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмөн четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа нам ерларда
13	Ланцетсимон зубтурум – <i>Plantagolanceolata L.</i>	Йил бўйи	Барги	Йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмөн четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа

				нам ерларда
14	Аччиқ эрмон – <i>Artemesia absinthium</i> L.	Июл гуллаш дан олдин)	Ер устки қисми	Ахоли жойларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, сув бўйларида ва экинзорларда
15	Наъматак турлари – <i>Rosa sp (species)</i> .	август- сентябр	Меваси	Ўрмонларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг куруқ тошлок ён бағирларида
16	Туркистон арслонқўйруғи- <i>Leonurus turkestanica</i> L	Июн- август	ер устки қисми	Тоғлик ноҳияларида, тоғ этакларидан то ўрта қисмигача бўлган тош, тупроқли қияликларда
17	Чучукмия (қизилмия, ширинмия)- <i>Glycyrrhisa glabra L</i>	Сентябр -октябр	Илдизи	Шўр тупроқли чўлларда, чўллардаги ариқ, канал, дарё ва қўл бўйлари, бегона ўт сифатида экинзорларда, қумли эрларда, қумли қияликларда ҳамда тўқайзорларда
18	Бўймодарон – <i>Achillea mellifolium L.</i>	Июн- июл	Ер устки қисми	Ўрмон, ўрмон-чўл ва чўл худудларида ҳамда тоғли туманларда (тоғ этакларидаги текисликларда, тоғ ёнбагирларда) очик ялангликларда ва қуруқ

					ўтлоқлар, қирлар, йўл ёқалари, ўрмон четлари
19	Дала қирқбўғими – <i>Equisetum arvensa L.</i>	Июн- июл	Ер устки қисми	Ариқ бўйларида, қумли ўтлоқларда, буталар орасида, экинзорларда	
20	Ит тиканак – <i>Bidens tripartite L.</i>	Июн- сентябр	Ер устки қисми	Нам ботқоқликларда, ариқ бўйларида, бегона ўт сифатида экинлар орасида	ўтлоқларда,

Доривор ўсимликларни кимёвий таркиби. Ўсимликларни кимёвий таркиби жуда мураккаб бирикмалардан иборат. Унинг таркибида турли органик ва минерал бирикмалар бўлади. Шу боис, улар тарли хил касалликни даволаш асосий восита сифатида қўлланилади.

Маълумки, бутун тирик организм учун зарур бўлган органик бирикмаларни фақат ўсимликлар синтез қила олади. Ана шу ўсимликлар тўқимасида синтезланган органик бирикмалар одатда икки гурухга бўладилар.

1. Бирламчи синтезланган моддалар - бирламчи метаболитлар. Буларга оқсиллар, углеводлар, липидлар, ферментлар ва витаминлар киради. Бирламчи метаболитлар ҳамма тирик организмлар учун жуда ҳам зарур бирикмалар бўлиб, уларсиз хаёт бўлмайди.

2. Иккиламчи синтезланган моддалар - иккиламчи метаболитлар. Буларга ўсимликлар тўқимасида синтез бўладиган бирламчи метаболитлардан ташқари қолган ҳамма бирикмалар киради. Иккиламчи метаболитлар ўсимликлар тўқимасида бирламчи синтезланган моддалардан ҳамда уларнинг иштирокида вужудга келади. Асосий доривор моддалар - иккиламчи синтезланган бирикмалардир.

Ўсимликлар таркибидаги доривор моддалар-биологик фаол бирикмалар ўсимликнинг ўсиши даврида-онтогенезда ва турли факторлар таъсирида доимий ўзгаришда бўлади. Улар синтезланади, аста-секин кўпаяди, маълум даврда кўп миқдорда тўпланади, кейинчалик камая боради ва бир вақт келиб,

бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Бу ўзгаришларга нафақат ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши (онтогенез даври) балки ташқи муҳит омиллари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Онтогенез ҳар бир ўсимликни нормал ҳаёт кечириш даври бўлиб, у тирик организмни туғилишдан бошлаб токи табиий ҳолда қариши ва қуриб қолишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўсимлик таркибидаги биологик актив моддалар синтезига, уларнинг йиғилишига таъсир этувчи ташқи муҳит омиллари қуидагилар ҳисобланади: ўсимликнинг ўсиш жойи, намлик (ҳаво ва тупроқдаги намлик миқдори), тупроқ таркиби, ҳарорат (ҳаво ва тупроқнинг иссиқ-совуқлиги), ёруғлик ва қуёш нурининг кўп ёки кам бўлишслиги, иқлим ва бошқалар.

Маълумки, ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос ўсадиган жойи бўлади ва у шу шароитда яхши тараққий этади. Баъзи ўсимликлар, барглар чириндиси кўп бўлган ерларда (марваридгул ва бошқалар), бошқалари шўрли ерларда (қизилмия, шувоқ турлари, шўра ва бошқалар) ёқтиrsa қолганлари тоғлиқ, тошли ерларни ва шағалли (қизилча, корақовуқ ва бошқалар) ёки кишилар яшайдиган жойларга яқин ва ифлос жойларни (мингдевона, бандидевона ва бошқалар) ерларда яхши ўсиб ривожланди. Баъзи ўсимликлар намликни ёқтиrsa (дала қирқбўғими, оққалдирмоқ, валериана, сариқ нуфар, игир, ботқоқ ледуми, мениантес ва бошқалар), бошқалари аксинча, қуруқ чўлларда, қирларда (аччиқмия, афсонак, исириқ ва бошқалар) ўсади. Агар ангишвонагулни ўсиш даврида меъёридан ортиқ суғорилса, унинг таркибидаги юрак гликозидлари кам синтезланади, худди шундай намлик кўп бўлса, дармана шувоқ умуман ривожланмайди.

Иссиқлик ва ёруғлик ҳам ҳамма ўсимликларга бир хил миқдорда керак эмас. Женъшень ўсимлиги ўрмонларнинг (тайгани) чириндиси кўп, нам, салқин ва ёруғлик кам бўлган ерларида яхши тараққий этади, ангишвонагул эса ёруғлик, қуёш нури кўп бўлса, юрак гликозидларини яхши синтез қиласи. Кўпчилик эфир мойи сақловчи ўсимликлар иссиқ ва ёруғликни севади. Шунинг учун жанубий туманларнинг флораси таркибida эфир мойи сақловчи

ўсимликлар кўп бўлади ва уларнинг эфир мойлари ҳидининг яхшилиги билан фарқланади. Аксинча, баъзи ўсимликлар (родиола, левзея ва бошқалар) салқин ерда, тоғли туманларда яхши ўсади.

Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Шуни яхши билиш керакки, ҳар бир ўсимлик ўзини ўрганган, яшаб тараққий этадиган ўзига хос шароит ва иқлимда ўсса, тегишли ўзига хос бўлган биологик фаол моддаларни кўп синтез қиласи. Юқорида келтирилган ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва улар таркибидаги доривор моддаларнинг синтези ва тўпланишига ташқи муҳит (намлик, иссиқлик, ёруғлик, тупроқ таркиби, ўсиш жойи ва бошқалар) таъсирини билишнинг катта аҳамияти бор ва бу ҳоллар доривор ўсимликларни табиий шароитдан плантацияларда ўстиришга ўтқазилганда ҳисобга олиниши зарурдир. Ҳар бир ўсимлик учун уни плантацияларда ўстирилганда ўзига хос шароит ва иқлимини иложи борича туғдириш лозим.

Ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддаларни кўп тўпланиш вақти яна ўсимликни ўсиш даврига ҳам боғлиқдир. Кўпчилик ўсимликларнинг ер устки қисми ва барглари таркибидаги асосий таъсир қилувчи биологик фаол моддалар уларнинг гуллашидан олдин ва гуллаш даврида, гулларда - уларнинг қийғос гуллаган вақтида, мева ва уруғларда - улар тўлиқ етилганида, ер остки органларда - ўсимлик вегетация даврини (онтогенезни) охирида (кеч кузда) кўп миқдорда тўпланади.

Баъзи доривор маҳсулотлар таркибидаги асосий доривор моддасини максимал тўпланиши юқорида келтирилган даврга тўғри келмаслиги мумкин. Баъзи бир алкалоидлар ўсимлик энди қўкариб, илдизолди барг чиқараётган даврида максимал миқдорда тўпланиб, сўнгра аста-секин камайиши ва ўсимликнинг гуллаш вақтида бошқа бирикмаларга айланиб кетиши аниқланган. Бундай ўзгаришлар фақат алкалоидларгагина хос бўлмай, балки бошқа биологик фаол моддаларда ҳам юз бериши мумкин. Дармана шувоқ ўсимлигининг гули гуллаган даврида эмас, аксинча уларнинг очилмаган - ғунча ҳолатида йиғилади. Чунки, таъсир этувчи биологик фаол моддаси - сантонин ғунчасида максимал тўпланиб, гуллай бошлаганида кескин камайиб кетади.

Доривор маҳсулотларни тайёрлашда юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, керакли вақтида йиғилса, таркибидаги асосий таъсир қилувчи моддалар етарли миқдорда бўлиб, маҳсулот эса юқори сифатли бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, ўсимликларнинг кимёвий таркиби жуда ҳам мураккаб бўлиб, турли органик ва минерал моддалардан ташкил топган. Уларнинг ҳаммаси доривор бўлмайди ва касалликларни даволашда шифобахш таъсир кўрсатмайди. Айримлари эса дори турларини тайёрлашда халакит беради, доривор маҳсулотни сақлаш вақтида уларнинг сифатини бузилишига олиб келади ёки асосий таъсир этувчи кимёвий бирикмаларни тез парчаланишга сабабчи бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Доривор ўсимликларни тайёрлашни уюштиришда нималарга эътибор берилиши лозим.
2. Доривор ўсимликларни кимёвий таркиби
3. Доривор маҳсулотларни тайёрлаш усуслари
4. Маҳсулотларни тайёрлаш усуслари.

3-БОБ.

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УСУЛЛАРИ

Доривор ўсимлик хом-ашёларига бирламчи ишлов бериш.

Тайёрланган доривор маҳсулотларни бошқа ўсимлик аралашмалари, лой, тупроқ, қум ва бошқалардан тозалангандан сўнг тезда қуритишга киришилади.

Қуритишининг умумий тартиб қоидалари қўйидагилардан иборат:

1. Таркибida эфир мойлари мавжуд хом-ашё $30\text{-}35$ (40) $^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритилади. 10-15 см қалинликда эфир мойларини учиб кетишига йўл қўймаган ҳолда.
2. Таркибida гликозидлар мавжуд хом-ашё $50\text{-}60$ $^{\circ}\text{C}$ ҳароратда. Ушбу ҳолда ферментлар гликозидларни таркибини бузишга улгурмайди.
3. Таркибida алколоидлар мавжуд хом-ашё 50 $^{\circ}\text{C}$ гача ҳароратда қуритилади.

4. Таркибида аскорбин кислотаси мавжуд хом-ашё 80-90⁰С ҳароратда қуритилади.

Қуритишнинг барча усулларида (эфир мойлиларидан ташқари) хом-ашё қалин ёймасдан жойлаштирилиб, тез-тез ағдарилиб турилади, аммо майдаланиб кетишига йўл қўйилмайди (расм).



9-расм. Доривор хом ашёни стелажда қуритиш усуллари

Доривор ўсимлик хом-ашёлари—илдиз, илдизпоя, пўстлоқ, поя эгилмасдан синиш даражасига келганда; барг ва гуллар ишқаланганда кукун ҳолатига келганда; серсув мевалар бир-бирига ёпишмасдан, босилган ҳолда сочилиб кетиши ҳолатига келганда қуритиш жараёни тугалланган ҳисобланади

Қуритишнинг энг оддий ва осон усули табиий шароитда, яъни очик ҳавода қуритишdir. Лекин ўсимликларнинг ер устки қисмларини (пўстлоқ, мева ва уруғларидан ташқари) очик ҳавода, қуёшда қурутиб бўлмайди. Акс ҳолда ўсимликнинг ер устки органлари ҳужайраларидаги яшил ранг берувчи хлорофилл ҳамда гул қисмларидаги ранг берувчи пигментлар парчаланиб кетиб, поя, барг ва қисман гуллар сарғайиб (кўпинча гуллар рангизланиб) қолади. Хлорофилл пигменти парчаланиши билан бирга ўсимлик таркибидаги бошқа кимёвий бирикмалар ҳам гидролизланиши мумкин. Шунинг учун ҳам

одатда қуёш иссиғида фақат ер остки органлар, пўстлоқ, мева ва уруғлар қуритилади (расм).



10-расм. Пўстлоқ хом ашёларини қуритиш (очик майдонда).



11-расм. Илдиз хом ашёсини қуритиш

Ўсимликнинг ер устки қисмлари (поя, барг ва гуллар) маҳсус қурилган бостирма, шийпон ёки чердакларда қуритилади. Бу жойлар тоза ва шамол ўтиб турадиган бўлиши керак. Доривор маҳсулотлар маҳсус ишланган стелажларга юпқа қилиб ёйилади.

Мевалар қуритиладиган мосламаларни (печлар) ҳам доривор ўсимлик хомашё маҳсулотларни қуритиш учун мослаштириш мумкин. Бунинг учун эса доривор ўсимлик маҳсулотларини умумий қуритиш қоидаларига қатъян риоя қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, хўл меваларни, масалан, черника, малина, клюкваларни қуритгичларда қуритса ҳам бўлади (расм).

Сўнгги йилларда доривор ўсимлик маҳсулотларини табиий усулда қуритиш билан бир қаторда турли типдаги қуритгичларда сунъий қуритиш кенг қўлланилмоқда.

Айрим доривор ўсимликлар таркибидаги таъсирчан қимматбаҳо кимёвий бирикмалар (масалан, гликозидлар) табиий равишда узоқ қуритилганда парчаланиб кетиши мумкин. Шунинг учун уларни сунъий равишда қуритган

яхши. Бундан ташқари, сунъий равища қуритилганда доривор маҳсулот тез қурийди ва сифатли бўлади.



а)



б)

12-расм. Меваларни қуритиш усуллари.

а-стелажларда; б- қуритгич мосламаларида

Таркибида эфир мойи бўлган доривор маҳсулотлар $25\text{-}30^{\circ}\text{ да}$, алкалоидлар, гликозидлар ва бошқа моддалар бўлган доривор хом-ашё маҳсулотлари эса $50\text{-}60^{\circ}\text{ да}$ қуритилиши лозим. Маҳсулотни меъёрдан зиёд қуритиб юбормаслик тавсия этилади, акс ҳолда у кукунга айланиб кетади. Масалан, наъматак мевалари маҳсус қуритувчи мосламаларда 80°C атрофидаги ҳароратда бир неча соат давомида ёки куз ойининг иссиқ кунларида соя-салқин жойларда (томларни остида тахминан $40\text{-}60^{\circ}\text{C}$ атрофида) қуритиш тавсия этилади. Меваларни қуритиш даврида тез-тез билан аралаштириб туриш талаб этилади. Баъзан, уларни офтобда қуритиш натижасида хом-ашёнинг сифати бузилиши мумкин.

Тирноқгул ўсимлигининг хом ашё маҳсулоти қийғос гуллаган вақтда терилади. Янги очилган гуллар асосан қўлда ва баъзан тайёрланган тариш мосламаларида (совокалар) терилади. Гул саватчалари тез-тез очилиши муносабати билан ҳар 3 кунда, кечи билан 4-5 кунда териб турилади.

Үсімлікдан териб олинган түпгуллар қызғылт кетмаслиги ва унинг сифати бузилмаслиги учун саватчаларда ва түпламларда 3-4 соатдан ортиқ сақланмаслик керак. Терилған маҳсулот махсус қуригич асбобларда (СПК), ҳаво (ВПТ-400, 600) қуригичларда 40-45°C гача ҳароратда ёки иссиқ күнларида соя-салқын жойларда (томларни остида тахминан 30-40°C атрофига) қуритилади. 4-6 кун давомида қуритилған хом-ашё маҳсулот ғовак ҳолда (босилмасдан) махсус қоғоздан ясалған қопчаларда 20кг дан қилиб жойлаштириб сақланади. Маҳсулотни қуруқ омборларда сақлаш мүддати 2 йилдан ошмаслиги керак.



13-расм. Тирноқгул хом ашёси

Доривор ўсимлик хом-ашёларини қуритиш усуллари. Доривор ўсимлик хом-ашёлари асосан 2 хил усул билан қурилилади;

1. Табиий (сунъий иситмаган ҳолда) ёки соя-салқин жойларда қуёш нури таъсири ёрдамида; а) соя-шамол ёрдамида, очик ҳавода амалга оширилади, аммо сояда, айвонларда, уй шипининг оралиғида, махсус қуритиш омборида ва шамол ёрдамида қуритиш мосламаларида; б) қуёш ёрдамида, очик ҳавода ёки қуёш қуритиш мосламаларида.

2. Сунъий махсус қуритгич мосламалари ёрдамида. (Сунъий иситиш ёки қизитиш ёрдамида).

Табиий қуритиш. Табиий қуритиш қадимдан маълум. Бу усул иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги билан алоҳида қадрланади. Ҳозир ҳам ёзи иссиқ ва қуруқ, кузи илиқ ва қуруқ бўлган қитъаларда бу усуллар қўлланилади. Аммо, табиий қуритиш усули айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Бу усул билан хом ашёни қуритишда маълум вақт (3-5 кун) талаб этади. Доривор ўсимликнинг қуруқ моддаси сезиларли миқдорда камаяди. Бундан ташқари маҳсулотни қуритиш учун ажратилган жойлар (пунктлар) чанг йўллардан узокроқда жойлаштирилади. Шунингдек, қуритиш пунктлари текис, чангдан тозаланган, қуёш нури яхши тушадиган, шамол яхши эсадиган, сомонли сувоқ қилинган, тоза оқиб турган сув бўлиши ва қуритилган маҳсулотни йигиладиган (хирмон) жой бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити (юқори ҳаво ҳарорати, ҳаво намлиги паст бўлиши) доривор ўсимликни табиий ҳолда қуритиш учун жуда қулай бўлиб ҳисобланади. Табиий ҳолда қуритилган хом-ашё маҳсулотларини, сунъий қуритилган маҳсулотларга нисбатан сифат жиҳатдан қисман паст бўлсада, аммо иқтисодий жиҳатдан жуда самарали ҳисобланади.


Доривор ўсимликларни табиий қуритиш вақтида вазиятлардан келиб чиқкан ҳолда айрим ҳолатларни инъобатга олиш лозим бўлади;

-булар қуритиш учун очик жойларни вахом-ашё маҳсулоти учун махсус жиҳозланган қуритиш майдонларини тўғри танлаш. Бу ҳол эса ўз навбатида

маҳсулот тан нархининг пасайишига ҳамда маҳсулот сифатининг яхшиланишига таъсир этади.

-қуритиш пунктлари далага яқин жойлашиши билан аммо, майдоннинг сатҳи эса қуритиладиган хом ашё маҳсулот турининг ҳар-бир (1m^2) майдонга тўғри келиши ва жойлаштирилиши миқдорига ҳам боғлиқдир. Масалан, агар қуритиш учун ҳар куни 1т. дан доривор ўсимлик хом ашёси келиб тушса ва ҳар (куни) m^2 га 3 кг дан қуритиш маҳсулоти тўғри келса, бунда мавсум давомида 1т. хом-ашё маҳсулот учун 1000m^2 , ёки қуритиш майдони талаб этилар экан.

Қуритиш майдоннинг ҳар бир (m^2) квадрат майдонига майдаланган ва хул (яшил масса) хом-ашё маҳсулотлардан 2-3 кг дан жойлаштириш мумкин.



14-расм. Табиий қуритиш биноси (шийпонлар)

1-стелажлар, 2-ҳаво сўргич трубаси, 3-каркаслари

Табиий қуритиш қуийдаги камчиликларга эга:

- қуритиш вақти узоқ муддат чўзилиши (хусусиятининг йўқолиши, сифат камайиши ва бошқалар).
- маҳсулот сифати сунъий қуритишдагига нисбатан паст бўлади
- ноқулай об-ҳаво шароитларда, қуритиш жараёни бузилади.
- маҳсулотни сақлаш учун қўшимча маҳнат ва вақт сарф қилинади.



15-расм. Стелажларда қуритиш усуллари



16-расм. Биноларда ипларга осиб куритиш усуллари



17-расм. Биноларда ипларга осиб ва ёйиб куритиш усуллари



18-расм. Табии қуритиш усуллари


Сунъий қуритиш. Сўнги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар доривор ўсимликни қуритишда сунъий қуритиш усулларининг имкониятлари (автоматлашган) чексиз ва мақбул эканлигини қўрсатади. Сунъий қуритиш жараёнида-биринчидан вақтдан тежалади, иккинчидан хом-ашёнинг сифат кўрсаткичлари талаб доирасида бўлади ва учинчидан хом-ашёнинг санитар ҳолати (табиий қуритишга нисбатан) қониқарли бўлади.

Қуритиш вақтининг давомийлиги бир неча соатга кисқаради. Маҳсулотнинг сифати (табиий қуритишга) нисбатан юқори, қуритиш учун талаб этиладиган майдон эса (табиий қуритишга) нисбатананча камаяди. Ишлаб

чиқаришнинг санитар ҳолати ошади. Қуритиш жараёни иқлим шароитларига боғлиқ бўлмайди.

Қуритиш даврини ижобий томонга ўзгартирисга имкон беради. Кеч куз ойларида тайёрланган ўсимлик органлари ёки узилган хўл мева хом ашё маҳсулотларини сифатли қуриши ва талабларга жавоб беришини таъминлайди.

Хозирги кунда турли хил сунъий (УСК-2Э ва б.к) қуритгич мосламалари мавжуд ва бундан турли соҳаларда мақсадли равища фойдаланилади.



19-расм. Сунъий қуритиш биноси (шийпонлар)

1-стелаж, 2-иссиқлик пеци, 3- иссиқлик трубалари, 4-хаво ўтказгич, 5- ҳаво тортигич трубалар, 6- тутин трубалари, 7-пастки гроизонтал тўсиқ,

Сунъий қүёш-ёқилғилик қуритиш қурилмалари. Қүёш ва анъанавий энергия манбаларидан комбинацияланган ҳолда фойдаланишга асосланган қуритиш қурилмалари *қүёши-ёқилғилик қурилмалари* номини олган. Комбинацияланган қүёш ёқилғилик қуритгичлар қүёш ва сунъий қуритиш услугарини устунлик томонларини бирлаштириб ихчам, транспортда кўчиришда осон, арzon ва энергия сарфи камроқ бўлган қуритгичлар яратиш имконини берди. Улар кичик ва ўрта қайта ишлаш корхоналарига мўлжалланган.

Қүёш-ёқилғилик қуритгичлар самарадорлигини оширишнинг қуийдаги принциплари ишлаб чиқилганда, унда:

1. Иссиклик манбаи қуввати режимини ростлаш ҳисобига қуритиш агентини белгиланган ҳароратини ушлаб туриш;
2. Қуёш коллекторининг нур ютиш панели билан қуритиш камераси ташқи девори функцияси бирлаштирилиб, қайта ишланган қуритиш агенти иссиқлиги регенерациясини таъминлаш;
3. Қуритиш камерасидан чиқадиган иссиқликдан самарали фойдаланишни таъминлаб берувчи регенератив иссиқлик утилизаторларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритишда уларнинг қуийдаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим; яъни, жараённинг узоқ кечиши, уларнинг иссиқлик-физик хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги, қуртиш агенти оптимал сарфини таъминловчи пневмо-тимизимининг ноёблиги ва бошқа кўрсатгичлар.

Қуритиш агенти энергиясидан фойдаланиш ва уни регенерациялаш шартларини таҳлил қилиш учун қуийдаги рационал технологик жараённи тузиш имкониятлари ишлаб чиқилган.

-иссиқлик алмашиниш қонуниятларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маҳсулот массасини босқичма-босқич қайта ишлаш;

-қуёш иссиқлик энергияси ва девор орқали йўқотилаётган иссиқлик энергиясини регенерациялаш учун плёнка қопламаслик қуритгич камераси юзасини қуёш ҳаво коллекторининг нур ютувчи панели сифатида фойдаланиш;

-иссиқлик манбай қувватини текис камайтирган ҳолда қайта ишланган иссиқлик ташувчининг энергиясини самарали ушловчи регенератив иссиқлик утилизаторидан фойдаланиш;

-атроф-мухит ҳароратининг сутка давомида ўзгаришини, ҳамда иссиқлик ташувчининг регенератив утилизаторда қизиб, ўзгаришини эътиборга олган ҳолда иссиқлик манбай қувватини текис ростловчи ҳарорат ростлагичидан фойдаланиш;

-маҳсулот ички қатламларидаги намликни кейинчалик буғлатиш учун, унинг юзасига чиқиши таъминловчи осцилляция режимини қўллаш;

-тайёр маҳсулотда намдорлик текис бўлишини таъминлаш учун маҳсулот барча қатламларида иссиқликнинг текис узатишни таъминлаш;

-технологик жараёнга мос равишда иссиқлик манбай қувватини ростлаш тизимини яратиш;

-қуёш ёқилғилик қуритиш қурилмаларида ростланувчи иссиқлик жараёнларини таъминлаб берувчи технологик жараённи ишлаб чиқиш.

Юқорида санаб ўтилган масалалар ечилиши учун маҳсулот ва қуритиш агентининг технологик хоссаларининг динамикада ўзгаришини ҳамда маҳсулот иссиқлик техник хусусиятларини ўзгаришини ўрганиш маҳсус талаб этилади.

УСК-2Э қуритгичида доривор ўсимлик хом ашёларига бирламчи ишлов бериш технологияси

Қуёш ва анъанавий энергия манбаларидан комбинацияланган ҳолда фойдаланишга асосланган қуритиш қурилмалари универсал қуёш ёқилғилик қурилмалари номини олган. Улар қуёш ва сунъий қуритиш услубларининг устунлик томонларини бирлаштириб ихчам, транспортда кўчиришга осон, арzon ва энергия сарфи камрок бўлган қуритгичлар яратиш имконини берди. Улар кичик ва ўрта доривор ўсимлик хом-ашёларига бирламчи ишлов бериб,

қайта ишлаш корхоналарига мүлжалланган. Универсал қуритиш қурилмасида асосан ўсимлик хом ашёсини қайта-ишлаш ва қуритиш технологияси кўзда тутилади.


Доривор ўсимлик хом ашёсига(яшил массаси) қуритишдан олдин (улардаги физиологик-биохимик жараёнларни тўхтатиш ва сифатини сақлаш мақсадида) дастлабки ишлов бериш лозим. Бунда, ўсимлик хом ашёсига инфрақизил нурлар ёрдамида дастлабки ишлов берилади. Бу жараёнда оқсил молекулалари ҳамда фермент тизимлари денатурацияга учрайди. Бу ҳол доривор ўсимлик хом ашёси тўқималарида ўтаётган турли-хил физиологик-биологик жараёнларни тез тўхталишига олиб келади ва биологик фаол моддаларнинг парчаланишининг олди олинади. Бу билан юқори сифатли қуритилган маҳсулот олишиш мумкин.

Қайта ишланадиган ўсимлик хом ашёсига қуригичнинг электрон бошқариш блоки ёрдамида оптималь қуритиш режимини бериш лозим. Бунинг учун унинг терморостлагич бошқариш блоки кенгайтирилган ростлаш диапозонига эга бўлиши керак. Қуритишга кесиб майдаланиб тайёрланган хом ашё универсал қуригичларда қуритилганда ундаги қуритиш жараёни ўзгарувчан қуидаги ҳароартда 50-60 °С дан оширилмайди. Бу вазиятда хом ашё ўзининг бирламчи яшил рангини сақлаб, ундаги биологик фаъол моддаларнинг минимал йўқотилиши кузатилиши мумкин. Қуритишнинг бу усулида атроф муҳитга ҳеч қандай зарап етказилмайди, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилади ва юқори иқтисодий самарага эришилади.

УСК-2Э Күёш ёқилғилик қурилмаси қуидагича ишлайди. Юклаш эшиги воситасида қуритиш материали (доривор ўсимлик хом ашёси) қуритиш ўриндиқларига (паднисларига) жойлаштирилиб қўйилади. Қурилмада (УСК-2Э) юқори ҳавонинг бир қисмини атмосферага, қолган қисми эса камера девори ва плён билан ҳосил қилинган рецеркуляция контурига узатилади. У ерда ҳавонинг қорайтирилган девор ва девор юзасидан юргандаги конвектив иссиқлик алмашинув ҳисобига кўтариllади. Ҳаво камера девори ва плёнка орасида ҳаракатланиб турбулент оқим ҳосил бўлади. Бу эса иссиқлик

алмашиниши жараёнининг тезкорлигини оширади. Бундай қурилмалар анъанавий энергия манбаларининг 40 % гача миқдорини тежаш имконини беради.

Шундан сўнг УСК-2Э қуритгич мосламасининг камера эшиклари ёпилиб марказдан қочма вентилятор ва калорифер ишга тушурилиб иссиқ ҳаво оқими камерага ўзатилади. Жараённинг қандай кечаётгани тўғрисида аниқ тасаввур ва маълумотларга эга бўлиш учун ҳар бир соатда хом-ашё маҳсулоти жойлаштирилган тўртта патниснинг ҳар бири тарози воситасида ўлчаб борилади.



Қишлоқ хұжалик маңаулотларини қуритиш учун УСК-2Э
горизонтал қүеш-әңгілғилик қуритиш қурилмасы



21-расм. Сунъий қуритиш мосламалари

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Доривор ўсимлик хом-ашёларини қуритиш усуллари?.
2. Табиий қуритиш усуллари?.
3. Табиий қуритиш камчиликлари?
4. Сунъий қүёш-ёқилғилик қуритиш қурилмалари?.

4-БОБ

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁ СИФАТИГА ҚҮЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Хом ашёларни товар ҳолатга келтириш. Хўжалик идоралари, жамоалар ва айрим шахслар томонидан тайёрланган доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотлари қабул қилиш пунктларига турли кўринишида, яъни стандарт талабига жавоб бермайдиган ҳолатда келиши мумкин. Шунинг учун маҳсулотларни идишларга жойлаштириб (қадоқлаб), омборларга жўнатишдан аввал уларни маълум талабларга жавоб берадиган ҳолда келтириш зарур.

Доривор маҳсулотларни тавар ҳолига келтириш учун қўйидаги ишлар бажарилади:

1. Аралашмалардан тозалаш. Тайёрловчиларнинг тажрибасизлиги ёки шошилиб ва тартибсиз ишлашлари оқибатидан баъзан қабул пунктларига топширилган доривор маҳсулотлар таркибида турли аралашмалар бўлиши мумкин. Улар органик ва минерал аралашмаларга бўлинади.

Органик аралашмаларга доривор ўсимликка ўхшаган ёки унинг ёнида ўсадиган бошқа ўсимлик қисмлари, хашак, сомон, кўмир ва бошқалар ҳамда шу доривор ўсимликнинг хом-ашё маҳсулоти бўлмаган қисми киради. Минерал аралашмалар одатда кесак, тош, тупроқ, қум ҳамда шиша, сопол, чинни бўлакчаларидан иборат бўлади.

Маҳсулотни тавар ҳолатга келтириш учун уни аралашмалардан тозалаш керак. Бунинг учун у машиналар ёрдамида ёки қўлда эланиб, аралашмалардан тозаланади ва навларга ажратилади. Айрим ҳолларда эса (ўсимликнинг ер устки қисмидан гул ва баргларнинг аралашмасини ажратиб олиш учун) маҳсулот аввал машиналарда янчилиб, сўнгра эланади, поя ва шохлар ажратиб ташланади.

2. Маҳсулотнинг нуқсонли қисмларини ажратиш. Агарда доривор хом-ашё маҳсулоти ёмғир ёғиб турган вақтда, ёмғир ёғиб ўтган, лекин ўсимлик ҳали қуrimаган ва ҳавода намлик кўп вақтда, ўсимлиқдан эрталабки шудринг ҳали

кўтарилимаганда тайёрланса, у ҳолда тайёрланаётган маҳсулот қуритиш пайтида сарғайиб ёки қорайиб қолиши мумкин. Хом ашё маҳсулоти тўғри, ҳаво қуруқ вақтда тайёрлансада аммо нотўғри қуритилса, унда ҳам уларнинг сарғайиб ёки қорайиб қолиши кузатилади. Бу нуқсонларга тегишли ГОСТ ларда маълум миқдорда рухсат этилади. Агар улар кўрсатилган миқдордан ортиқ булса, бу маҳсулот сифатига таъсир килади. Шунинг учун доривор хом ашё маҳсулоти навларга ажратилиб, қорайган ва сарғайган қисмлардан тозаланади.

3. Маҳсулотни майдалангандан қисмдан тозалаш. Доривор маҳсулот таркибида майдалангандан қисмнинг миқдори тегишли ГОСТ да чегараланганд бўлади. Чинончи, маҳсулотни таркибида майдалангандан қисми меъёридан ортиқча бўлса, унинг сифати паст ҳисобланади. Шу сабабли, доривор маҳсулотни стандарт талабига жавоб берадиган қилиш мақсадида уни майда қисмидан тозаланади. Бунинг учун маҳсулот тегишли ГОСТ талабига биноан керакли тешикли элакларда эланади.



22-расм. Маҳсулотни майдаланган қисмдан тозалаш.

4. Маҳсулотни қайта қуритиш. Қабул пунктларида қабул қилиб олинган маҳсулотлар, аксарият ҳолларда етарли даражада қуритилмаган бўлади. Бундан ташқари, бу маҳсулотлар (айниқса гигроскопик маҳсулотлар) сақлаш даврида (тайёрловчилар зудлик билан қабул пунктларига топширмаганларида) ва қабул пунктларига олиб кетилаётган вактда шароитга қараб бир оз намланиб қолиши мумкин. Хатто, кейинчалик ҳам, бу маҳсулотлар омборларда ёки дорихона ва лабораторияларда сақланиш даврида моғорлаб, сарғайиб ёки қорайиб ўз сифатини йўқотади. Маҳсулотнинг қимматини сақлаб қолиш учун тегишли ГОСТ да кўрсатилган намлик қолгунига қадар қайта қуритилади.

5. Маҳсулотни майдалаш. Дорихонага кўпчилик маҳсулотлар майдаланган (майда бўлакларга қирқилган ёки кукун-порошок) ҳолда юборилади. Маҳсулотлар фақат омборларда тезда бузилиб, ўз сифатини йўқотмаслиги учун бутунлигича, майдаланмасдан сақланади.

Маҳсулотларни майдалаш (баргларни қирқиш, ер устки қисмини янчиш, илдиз ва илдизпояларни кубсимон қилиб қирқиш, кукун–порошок ҳолига келтириш) машиналар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир ўсимлик тури хомашё маҳсулотини майдалаш даражадаси тегишли стандартлар (ГОСТ) да кўрсатилган бўлиб, бу ишлар марказлаштирилган ва мосланган қабул пунктларида бажарилади.

Доривор ўсимликларни қабул қилишда сифатига қўйиладиган талаблар. Фармацевтика заводи ва фабрикларида ҳамда марказлаштирилган омборларда доривор маҳсулотлар одатда кўп миқдорда тўплам-тўплам қабул қилинади. Оғирлиги 50кг дан кам эмас, ҳар тарафлама бир хил бўлган, унинг сифатлилигини тасдиқловчи битта хужжат билан расмийлаштирилган маҳсулот битта тўплам ҳисобланади:

Тўпламга илова қилинган хужжатда қуидаги маълумотлар бўлади:

1. Хужжатнинг сони, уни берилган ой, уни ва йили.
2. Жўнатган корхонанинг номи ва манзили.

3. Маҳсулот номи
4. Тўплам сони
5. Тўплам оғирлига (микдори, массаси)
6. Йигилган ёки терилган йили ва ойи
7. Тайёрланган ноҳияси (ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар учун)
8. Маҳсулот сифатини текшириш натижалари
9. Маҳсулотга норматив-техник хужжатларни белгилаш
10. Маҳсулот сифатига жавобгар шахснинг исми-шарифи, лавозими ва имзоси

Доривор маҳсулот қабул қилинаётган ГОСТ 6077-80 га мувофиқ қўйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Қабул қилинадиган тўпламнинг ташқи кўринишини умумий текшириш
2. Доривор маҳсулот ўрамининг таҳлил учун очиладиган ўрнини танлаш
3. Қабул қилинаётган тўпламнинг бир хиллиги ва нуқсонини аниқлаш

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Аралашмалардан тозалаш.
2. Маҳсулотнинг нуқсонли қисмларини ажратиш
3. Маҳсулотни майдалангандан қисмдан тозалаш
4. Маҳсулотни қайта қуритиш
5. Маҳсулотни майдалаш

5-БОБ

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАДОҚЛАШ ВА САҚЛАШ

Доривор маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш).

Доривор ўсимлик хом ашёларини қадоқлашда хом-ашё турлари ва унинг ҳажмларига алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги вақтда қадоқлаш усулларидан тюклаш, пресслаш ва брикетлаш усуллари кенг қўлланилмоқда.

Тюклаш (тойлаш)— маҳсус тюклаш машиналарида амалга оширилади.

Пресслаш (жипслаш)— ўтлар ва пўстлок учун маҳсус прессларда амалга оширилади (проводится для трав, кор в специальных прессах: утильных или сенных).

Брикетлаш – Майдаланган хом-ашёни кичик ҳажмларда пресслашни амалга ошириш усулидир. Кўп ҳолларда брикетлар ўз ҳолати билан тайёр доривор восита сифатида дорихоналарда сотилади.



23-расм. Хом ашёларни тойлаш ва жипслаш

Хом-ашёнинг айрим турлари алоҳида қадоқлашни талаб этади: Заҳарли, психотроп, тез таъсир этувчи моддалар сақловчи ўсимликлар (А гуруҳида

турувчилар) махсус сейфларда қалин шишили қопқоп билан беркитилған ҳолда сақланади.

Стандарт ҳолига келтирилған доривор хом ашё маҳсулотлар турига қараб ҳар хил қадоқланади. Доривор маҳсулотларни идишларга жойлаштириш (қадоқлаш), уларни ташқи таъсирлардан асралып (түкилиш, сочилишдан, ишлатиладиган муддати ичида унинг сифатини ва ташқи күринишини ўзгартирмасдан сақланишини ҳамда транспорт воситаларида жўнатиш ва ташишни) таъминлаши лозим.

Маҳсулотларни жойлаштиришга қоплар, халтачалар (пакетлар), тахтадан ва картон қофоздан ясалган ящиклар ва кутичалар ҳамда тойлаш учун ясалган ящиклар ва бошқалар ишлатилади. Ишлатиладиган идишлар қуруқ, тоза, ҳеч қандай ҳиди бўлмаслиги ҳамда ҳар бир партия учун бир хил бўлиши керак.



Рагожа



Мешковина (қоп)



Фанерали ящиклар

Картонли ящиклар

24-расм. Идиш (тара) турлари

Маҳсулотлар жойлаштириладиган идишлар, идишдаги маҳсулотларнинг оғирлиги доривор маҳсулотларнинг турига қараб аниқланади ҳамда улар тегишли меъёрий ҳужжатларда (масалан, фармакопея мақоласи (ФМ) ва ГОСТ ларда)

кўрсатилади:



25-расм. Хом-ашё маҳсулотларини идишларга жойлаштириш

Қуритилган доривор хом ашё маҳсулотларни қадоқлаш учун (ФС қоидалари бўйича) куйидаги идишлардан фойдаланилади;

Матодан тикилган қоплар (ГОСТ 19317-73 бўйича ёки ГОСТ 18225-72 бўйича) зигир-жут-каноп толаларидан тўқилган қоплар. Бу қоплар бир ёки икки қават ҳолида ишлатилиши мумкин. Қопларнинг оғзи қўл (ГОСТ 17308-85

га биноан каноп ип билан) ёки машина (ГОСТ 14061-85 га биноан зигир толасидан қилинган ип билан) ёрдамида тикилади. Қопга солинган маҳсулот оғирлиги 40 кг дан ошмаслиги керак.

Кўп қаватли қоғоз қоплар (ГОСТ 2226-75 бўйича ва ГОСТ 24370-80 бўйича) икки ёки бир қаватли қоғозли халталар. Маҳсулот билан тўлдирилган қоғоз қоплар, халталар оғзи юқорида кўрсатилган иплар билан қўл ёки машина ёрдамида тикилади.

Бир ёки икки қават халталар тайёрлаш учун маҳсус қоғозлар (ГОСТ 2229-81 э ва ГОСТ 1760-81 га биноан) ишлатилади. Қоғоз қопга 15 кг, қоғоз халтага 5 кг дан ортиқ маҳсулот солинмаслиги керак.

Матодан тикилган (ГОСТ 19298-73 бўйича) узун ва олти қиррали яшик шакли тойлар. Тойларга 50 кг дан ортиқ бўлмаган миқдорда доривор маҳсулот солинади ва уларнинг оғзи юқорида айтиб ўтилган, тегишли ГОСТ ларда кўрсатилган иплар билан қўлда ёки машина ёрдамида тикилади.

Баъзан усти мато билан ўраб тикилмаган тойлар ҳам қўлланилади.

Ёғочдан (ГОСТ 5959-80 бўйича) ясалган яшиклар. Яшиклар ичига тегишли ГОСТ ларда кўрсатилган Б - маркали қоғоз (ГОСТ 8273-75) ёки қоп тикиладиган қоғоз (ГОСТ 2228-81) солиб, сўнгра доривор маҳсулот билан тўлдирилади. Ёғоч яшикларга 30 кг гача оғирлиқда доривор маҳсулот солинади. Кейин унинг қопқоғи михланади.

Картондан (ГОСТ 15629-83 бўйича) ясалган яшиклар. Бу яшикларни доривор маҳсулотлар билан тўлдиришдан аввал уларни ичига тегишли қоғозлар солинади. Охирида картон яшиклар устига маҳсус елим қоғоз ленталар ёпиширилади ёки икки чека жойидан пўлат сим билан ўралади (ГОСТ 32822-74).

Картон яшикларга солинган доривор маҳсулот оғирлиги 25 кг дан ошмаслиги лозим.

Доривор маҳсулотларни жойлаш учун керакли бўлган идишлар бу маҳсулотларнинг турига ва хусусиятига қараб тегишли ГОСТ га биноан танланади. Масалан;

- ўсимликларнинг ер устки қисми, барги, пўстлоғи, баъзан гуллари, илдизи ва илдизпояларини одатда олдин жипслаб (преслаб), сўнгра маҳсус тойлайдиган яшикларга солинади. Бу усулнинг қопга ёки яшикларга солиб, жойлаштиришга нисбатан тан нархи нисбатан арzon тушади ҳамда ташиш ёки сақлаш даврида доривор маҳсулотни иссиқдан, намликдан ва қуёш таъсиридан яхши ҳимоя қилади.

- куритилган хўл мевалар, шоҳкуя ҳамда айрим қимматбаҳо ва оғир маҳсулотлар икки қават қилиб тикилган қопларда сақланади.

- тойлаб бўлмайдиган енгил доривор маҳсулотлар икки қаватли катта қопларга, тез майдаланиб кетадиган мойчечак, марваридгул гуллари, қарағай куртаги ва бошқалар ичига зич қилиб бир неча қават қофоз солинган яшикларга жойлаштирилади.

Доривор маҳсулотларни аҳолига сотиш учун қадоқлашда ГОСТ 64-026-87 бўйича қофоздан (картондан) ясалган чой қутичалар, қофоз ва полиэтилен халтачалар ҳамда бошқалардан фойдаланилади.

Қадоқланадиган идишлар турига доривор маҳсулот қадоқланиш нормаси (худди шунингдек халтачалар ва қутичалар оғзи қандай елим билан елимланиши, дорихона ва омборларга жўнатиш учун яшикларга қанча халтача ва қутичалар жойлаштирилиши кераклиги) тегишли меъёрий-техник хужжатларда кўрсатилади:

Доривор маҳсулот идишларга жойлаштириб бўлингандан сўнг, улар жойлаштирилган идиш устига шу маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилади (тамғаланади) ёки тегишли ёрлик осилади.

Сотиш учун дорихоналарга чиқариладиган доривор маҳсулотлар идиши (картон қутича, полиэтилен халтача, яшик ва бошқалар) устига ГОСТ 17768-80 га биноан қуйидагилар ёзилган бўлиши лозим;

- вазирлик, тайёрлаган корхона ва уни товар белгиси; маҳсулотнинг лотин, рус ва ўзбек тилидаги номи; намликни энг кўп рухсат этиладиган ҳолатидаги маҳсулот оғирлиги, ишлатиш усули, сақлаш шароити, ҳисобга олинган рақами, серия рақами, сақлаш муддати ва тан нархи (баҳоси).

Транспорт воситасида жўнатиладиган доривор маҳсулот идиши устига ГОСТ 14192-77 буйича қуидагилар ёзилган бўлиши керак: вазирлик (муассаса, бошқарма), жўнатган корхананинг номи, маҳсулот номи, намликни энг кўп руҳсат этиладиган ҳолатдаги маҳсулотни соф (нетто) оғирлиги, идиши билан биргаликдаги (брутто) оғирлиги, тайёрланган йили ва ойи, партия номери, кўрсатилган маҳсулотнинг меъёрий-техник хужжати (МТХ)нинг даражаси ва рақами.

Доривор усимлик хом-ашёларини (маркировкалаш) белгилаш. *Хом-ашёни белгилаш (маркировки) мақсади* – Хом-ашёни сақлаш ва ташиш жараёнларида ушбу турлар учун белгиланган тадбирларни бажарилишини назорат қилишда қўлланилади (сақлаш ва ташишда чалкашликка йўл қўймаслик, хом-ашёни сақлаш муддати ва шароитига амал қилиш ва бошқалар). Белгилаш (маркировка) хужжатларига қуидагилар киради: хом-ашё маълумотлар хужжати (вкладыш), этикетка ёки бирка, сифат хужжати (аналитик паспорт).

Хом-ашё маълумотлар хужжати (вкладыш) қуидаги реквизитларни ўз ичига олади:

- хом-ашё номи;
- жўнатувчи;
- хом-ашё аслиги ва сифатини текширган шахснинг имзоси;
- Қадоқлаган шахснинг имзоси ва қадоқлаш муддати;

Ёрлик (этикетка) қуидаги реквизитларни ўз ичига олади:

- хом-ашёни номи ва унинг вазни
- Қабул қилувчи манзил
- Қабул қилувчи (дорихона базаси)
- юборилган манзили
- Юборувчи
- Хом-ашё тайёрланган жой ва муддати

Сифат хужжати (аналитик паспорт) – хом-ашё аслиги ва сифати тўғрисидаги ҳамма маълумотлар киритилади.



26-расм. Доривор ўсимлик хом-ашёларини (маркировкалаш) белгилаш

Маҳсулотни транспорт воситаларида жўнатиш. Тайёрланган, қуритилган ва идишларга жойлаштирилган маҳсулотлар ўз вактида сақланадиган жойларга ва истемолчиларга етказилиши лозим. Агарда маҳсулотларни тарнспорт воситаси орқали жўнатишда тегишли қоидаларга риоя қилинмаса, у йўлда намланиши, майдаланиши ва бошқа сабабларга кўра ўз сифатини йўқотиши мумкин.

Доривор маҳсулотлар ГОСТ 14192-77 ва ГОСТ 17768-80 ларга биноан қуруқ, тоза, ҳеч қандай ҳиди бўлмаган, усти ёпик транспорт воситаларида жўнатилади. Захарли, кучли таъсирга эга ҳамда ўзида эфир мойи сақловчи доривор хом ашё маҳсулотларини бошқа алоҳида транспорт воситаларида (айрим автомашина, айрим темир йўл вагони ва бошқалар) юборилиши лозим бўлади.

Доривор хом-ашё маҳсулотларини сақлаш. Доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларини сақлаш учун ажратилган жой (омборхоналар) аввало маҳсулотни ташқи кўриниши ва таъсир этувчи биологик актив моддаларни сақланишини тамиnlай олиши шарт. Доривор ўсимлик маҳсулотларини сақлашда ташқи ноқулай омилларнинг хом- ашё маҳсулотига салбий таъсир

этиши инобатга олиш лозим. Бунда ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги (меъёридан ортиқ кўрсатилиши) ҳамда қуёш нурининг хом ашё маҳсулотига тўғридан тўғри таъсирига эътибор берилади. Хом-ашё маҳсулотларини сақлашда нисбий намлик асосий ва хавфли омил ҳисобланади. Чунки, намлиги юқори бўлган ёки шамол айланиши суст (паст) бўлган хоналарда хом-ашё маҳсулоти хаво нисбий намлиги ҳисобига намликни ўзига тортади ва оқибатда хом-ашёнинг намлиги ортади. Бунинг натижасида ўсимликларда ферментация жараёни бошланади ва ўсимлик хом ашёси қизийди ҳамда таъсир этувчи моддалар парчаланади. Микроорганизмларни ривожланиши учун қулай шароит яратилади ва мөгорланади. Сўнгра, мөгорланиш (замбуруг) жараёни хом-ашё ҳужайраларига ўтади ва хом-ашёнинг ранги, тами, ҳиди ҳамда кимёвий таркиби ва ниҳоят сифати бузилади. Хом-ашё фармацевтика саноатида ишлатиш учун яроқсиз ҳолатга келади. Булардан ташқари намиққан доривор ўсимлик хом-ашёси турли-хил заракунандаларни ривожланиши учун замин яратади. Шунинг учун доривор ўсимлик хом-ашёларини сақланадиган омборхоналарда ҳавонинг нисбий намлиги 13% гача бўлиши тавсия этилади.

Доривор ўсимлик хом ашёларини сақлайдиган жойлар (омборхоналар) вақтинчалик ва доимий бўлиши мумкин. Вақтинчалик сақлаш учун оддий шийпонлар, омборлар, қуруқ ер тўлалар ва бино том ости жойлар мўлжалланади. Шунингдек, оғир ва қўп ҳажмли доривор ўсимлик ҳом ашёлари (масалан, ширинмия, андиз, гулхайри ва бошка ўсимлик илдиз ва илдизпоялари) ҳам то жўнатгунга қадар маҳсулот тайёрланган жойларда очик ерларда тўдалаб сақлаб туриши мумкин.

Доимий сақлаш учун маҳсус жихозланган омборхоналар ажратилади. Доривор ўсимлик хом ашёларини сақлайдиган доимий жойлар- одатда қуруқ, тоза, ҳаво яхши айланиши, талаб даражасидаги ёруғлик ва ҳароратга эга бўлиши лозим. Доимий омборхона биноси (жойи) бетонли-фиштли ва ёғоч тахвали, каркасли бўлиши мумкин. Агарда омборхона биноларда турли-хил ёриқлар пайдо бўлган бўлса, у ҳолда улар аввал суваланади текисланади ва кейин оҳак билан оқланади. Чунки, бинодаги мавжуд ёриқлар

зааркунандаларни ривожланиши учун замин яратади. Буларни олдини олиш мақсадида, бинолар аввал сувалади ва оқланади. Агарда омборхона ойналариға ёруғлик түғридан-түғри тушса, у ҳолда ойналар оқланади, ҳимоя пардалари ўрнатилади ва қуёш нуридан беркитилади. Чунки, ҳимоя қилинмадиган ойналардан тушган ёруғлик натижасида хом-ашёнинг ранги ва сифат кўрсаткичлари бузилади.

Шу билан бирга омборхоналарнинг ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик даражасига доимо эътибор бериш лозим. Омборхоналарда ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик даражасини ошиши омборхона зааркунандаларини ривожланишига олиб келади. Омборхоналарда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши хом ашёни меъёридан ортиқ қуришига ва ундаги учувчан ароматик бирикмаларни учиб кетишига олиб келади. Доривор ўсимлик хом-ашёларини сақлаш учун омборхона ҳаротати 10-12°C бўлиши мақсадга мувоқдир.

Хом-ашёлар омборхоналарда қадоқланган холатда сақланади ва алоҳида белгиланган растали жойларга қўйилади. Алоҳида белгиланган растали жойлар ёғоч тахталардан ясалади. Расталарнинг (сўрилар, пештахталар, полкалар) баландлиги 4м. гача, эни 1,5 м бўлиши, деворгача масофа 25 см, сўриларнинг ўзаро оралиғи 50 см ва ердан (пол) баландлиги 15-20 см дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Омборхона расталарининг (пештахталар, полкалар) бундай талаблар асосида ўрнатилиши нафақат ён атрофлардан, балки, пастки томондан ҳам тўсиқсиз шамол айланишини таъминлайди.

Доривор ўсимлик хом-ашё маҳсулотларини омборхоналарда уларни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гурухларга бўлинниб жойлаштирилади ва сақланади.

Ҳар бир доривор маҳсулот устига ёрлик (бирка) осиб қўйилади. Ёрликқа маҳсулот номи, қачон, қаерда, ким тайёрлагани, омборга қачон келтирилгани ёзилган бўлади.

1) Заҳарли хом- ашё маҳсулотларни алоҳида рўйхат-(А) остида маҳсус қульф ўрнатилган хоналарда сақланади.

2) Кучли таъсир этучи ўсимлик маҳсулотларини (масалан, беллодона, ангишвонагул, бегония, бангиевона ва бошқалар) ҳам алоҳида-(Б) рўйхат остида маҳсус қульфлар ўрнатилган хоналарда алоҳида сақланади.

3) Хушбўй ҳидли хом-ашё, эфир мойи сақловчи (масалан, ялпиз барги, асарун илдизи, райхон ва бошқалар) ҳидсиз ўсимликлардан ажратилган ҳолда алоҳида сақланади. Чунки, ўткир ва хушбўй ҳидли ўсимликлардан тараалган ҳидлар ҳидсиз ўсимлик ҳом-ашёларига ўрнашиб қолиши мумкин. Хушбўй ҳидли ва тез майдалангандар гуллар (масалан, мойчечак, жўка гули ва бошқаларни) майдаланиб кетиши ва ҳидини тарқалишини олдини олиш мақсадида, уларни қоғоз тўшалган ҳамда яхши беркитиладиган яшикларда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

4) Гигроскопик маҳсулотлар яъни, очиқ ҳаводан намликтин ўзига оловчи хом- ашё тўлиқ қуритиб бўлгандан сўнг оғзи яхши ёпиладиган ва қоғоз тўшаладиган темирли идишларда ёки шишали оғзи ёпиладиган идишларда сақланиши лозим.

Захира озиқа моддаларига бой ва тез бузилиш хусусиятига эга бўлган хом-ашё маҳсулотларини (масалан, қоқиёт илдизи, бўёқдор рўян илдизи) яхши шамол эсадиган жойларда қопларга солиб, тез-тез текшириб туриб сақланиши талаб этилади.

Хўл мевалар- маймунжон, малина, қулупнай ва бошқаларни одатда тўғри шамол эсадиган жойда қопларга солиниб сақлаш тавсия этилади. Хом- ашё маҳсулотларини бундай сақланиши натижасида улар камроқ зааркунандалар билан заарланади. Агарда, хом-ашёлар ёпиқ темир идишларда сақланса, уларни заарланиши тез амалга ошади.

Доривор ўсимлик ҳом ашёлари сақланадиган омборхоналарда хар доим тозаликка риоя қилиш талаб этилади. Яъни, маълум бир кўзланган ишлар бажарилгандан сўнг чиқиндилардан тозалаш, супириш ва расталардаги чангларни артиш ҳамда баъзан қолдоқлардан тушиб қолган доривор ўсимлик

хом- ашё маҳсулотларини олиб ташлаш лозим бўлади. Бундай тозалик ишлари ҳар куни амалга оширилиши лозим. Чунончи, чанглар ва турли жойлардаги ўргимчак уялари нафақат омборхоналарни тозалигига заарар етказади, балки омборхона заракунандаларини (замбуруғ ва кемиравчилар) ривожланиб кетиши учун ижобий муҳит бўлиб ҳисобланади.

Одатда доривор ўсимлик хом-ашёларини сақлайдиган омборхоналар ҳар 2 ойда 1 марта капитал тозаланади. Бунда, омборхона шифтлари, ён атроф деворлари ва йўлаклари тозалаб сипирилади ва артилади. Расталардаги доривор хом-ашёлар вақти-вақти билан ташқарига олиб чиқилиб шамоллатилади ва қуритилади. Шундан сўнг белгиланган тартибда яна қайтадан жойига олиб киргизилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бажаришда омборхона ишчи ходимларидан ёнгин хавфсизлигини қоидаларига тўлиқ риоя қилиши талаб этилади. Бунда омборхона худуди атрофида чиқиш ва олов ёқиши қатъиян ман этилади. Шу билан бирга омборхонада “ёнгин хавфсизлиги” бурчаги тегишли жиҳозлар билан тўлиқ тамилланади.

Етарлича жиҳозланган ва қуруқ омборхона биноларида аксарият доривор ўсимлик хом ашёлари узоқ муддат ўзининг асл сифатлилик ҳолатини сақлайди. Аммо, айрим хом-ашё (масалан, бангидевона, мингдевона, беллодона ва бошқалар) маҳсулотлари ҳар-чанд омборхоналар етарлича жиҳозланишига қарамай, уларда таъсир этувчи моддалар вақт ўтиши билан қисман пасайиб бориши мумкин. Шунинг учун бу ўсимлик хом-ашёларини хар йили (сифат кўрсаткичлари бўйича) фармацевтик мақсаддат текширувдан ўтказиб турилиши зарур бўлади.

Доривор маҳсулотларнинг сақлаш муддати тугугунидан сўнг таркибидаги таъсирchan кимёвий бирикмалар миқдори ёки таъсир этиш кучи аниқланади. Таҳлил натижаси стандарт талабига тўғри келмаса, маҳсулот фойдаланишдан чиқориб юборилади. Шунингдек, доривор маҳсулотларни сақлаш даврида бирор нуқсон сезилса, у ҳолда ҳам доривор ўсимлик хом ашё

маҳсулотларини сақлаш муддатидан қатъий назар улар тезда таҳлил қилинади ва зарурий чоралар кўрилади.

Доривор ўсимлик хом-ашёларини сақлаш муддати Давлат стандарти (ГОСТ) ва Фармакопея стандарти (ФС) томонидан белгиланади. Одатда, омборхоналарда доривор ўсимлик хом-ашёлари бутун ҳолда сақланади. Дорихоналарда эса, доривор ўсимлик хом-ашёлари ва улардан тайёрланган ийғималар, аралашмалар ёпиқ тахтали яшиклар ёки темир банкаларда майдаланган ҳолларда сақланади. Дорихоналарда хом-ашё маҳсулотларини бундай ҳолда сақланиши улардан зудлик билан турли-хил дориларни тайёрлаш ва сотиш учун қулайликларни тамиnlайди.

Доривор хом-ашё зааркундалари ва уларга қарши кураш чоратадбирлари. Доривор хом-ашё маҳсулотлари озиқа моддалари га (крахмал, ёғлар, шиллиқ моддалар, қанд ва бошқа) бой бўлиб, бу эса уларни омборхоналарда сақлаш даврида турли-хил кемирувчи зааркунданда ҳашоротларни ўзигажалб этади. Бунинг натижасида хом-ашё ва уни сақлаётган идишлар сифати бузилади. Одатда қуруқ, тоза ва озода биноларда зааркунданда ҳашоратлар хом-ашёга хавфли даражада заар етказмайди. Аммо, антисанитар ҳолатдаги омборхоналар (яъни, ҳаво нисбий намлиги ва ҳарорати юқори бўлган хоналар) зааркундаларни ривожланиши ва қўпайиши учун замин яратади. Доривор ўсимликлар зааркундалари йил давомида бир неча марта авлод қолдиради. Доривор ўсимликлар хом-ашёлари учун нисбатан хавфли зааркундалар каналар, (унсимон ва туксимон гурухи), қўнғизлар (мучной хрущак, хлебный точильщик, малый хрущак, омбор узунбуруни), капалаклар ва куялар хисобланади. Омборхоналарда бундай заракундаларга қарши 2 хил (огоҳлантирувчи ва қирон келтирувчи) усулда кураш чоралари олиб борилади.

1. Огоҳлантирувчи кураш чоралари га–омборхоналарни тоза, озода ҳолда сақлаш, тез-тез шамолатиб туриш, белгиланган тартибда ҳаво ҳарорати (25°C гача) ва нисбий намликни меъёрда (70% дан паст ҳолатда) ушлаш, хом-ашёни қабул қилиш ва сақлашда уларни заарланиш ҳолатини назорат қилиш каби чора тадбирлар киради. Дорихоналарда сотув учун мулжалланган кичик

ҳажимдаги хом-ашё маҳсулотларини асрарда эса хлорофорим эритмаси билан қайта ишланган ва намланган докаларни идишларга жойлаштирган ҳолда сақланади.

2. Қирон келтирүвчи кураш чоралари-турли-хил дезинсекция усуллари билан омборхона биноси ва хом-ашё маҳсулотларига ишлов берилишини ўз ичига олади. Омборхона бинолари ва хом-ашёларни икки хил (газли ва ҳўл-нам) усул билан дезинсекция қилиш мумкин. Биринчи (газли) ҳолатда аввал бино ойналари, ёриқлар, тешиклар кўздан кечирилади ва яхшилаб беркитилади. Сўнгра, хлорпикрин ёки дихилорэтан газлари билан тутатилади ва бир неча соат сақланади. Иккинчи (нам) ҳолатда эса, дастлаб омборхона биноларидан хом-ашё маҳсулотлари ташқарига олиб чиқилади. Омборхона поллари пештахталари, шифтлари, деворлари минерал-ёғли эмульсия (ишқорли натрий ёки минерал-мойли эмульсия) эритмаси билан пуркалади ва қайта ишланади.

Хом-ашёларни дезинсекция қилиш одатда (инсон ҳаёти учун хавфсиз бўлган) газларни туташ ёки енгил учувчи суюқликларни герметик идишларга жойлаштириб оғзини бир неча соат очиб қуиши орқали амалга оширилади.

Доривор ўсимликлар хом-ашёларини зааркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилишнинг энг қулай ва осон усули- механик ва иссиқлик ҳамда қуёш нурида қисман тоблантириб ишлов беришдир.

Доривор ўсимлк хом-ашёларига механик ишлов беришда-қисман зарарланган хом-ашё маҳсулотларини турли-хил ўлчамдаги лабаратория элакларидан ўтқазилади ва кейин улар 1соат давомида 50-60°C ҳароратда қиздирилади. Ҳашорат қуртлари билан кўпроқ зарарланган хом-ашёлар эса 2-3 соат давомида қиздирилади ва сўнгра элаклардан ўтқазиб ҳашорат қуртларидан тозаланади. Кемирувчи ҳашоратларга қарши курашиш чора тадбирлари-махсус дезинсекция станциялари мутахассислари тамонидан олиб борилиб, бунда омборхона бинолари заҳарли кимёвий (ядохимикат) воситалар билан қайта ишланади.

Давлат Фармакопеясининг

Х наширётида доривор ўсимлик хом-ашёларининг зарарланиш даражаси ва

уларни фармацевтика саноатида ишлатилиш қоидалари туғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Үндаги маълумотларга кўра, қисман заарланган даражали хом-ашё маҳсулотлари тозалангандан сўнг дорихоналарда ишлатилиш учун, II-даражали заарланганлардан- препарат тайёrlаш учун ва III-даражали заарланганлардан эса таъсир этувчи моддалар олиш учун фармацевтика заводларида фойдаланиш учун рухсат берилган. Агарда хом-ашё маҳсулотларидан бундай кўзланган моддалар чиқмаса, у ҳолда хом ашё маҳсулоти сифатсиз ҳисобланади ва уларга баённома расмийлаштириб фойдаланишдан чиқориб ташланади.

Шудай қилиб, доривир ўсимлик хом-ашёлари озиқ моддаларга бой бўлиб, у зааркунандаларни ўзиг жалб қиласди. Зааркунадаларга қарши кураш чоратадбирлари сифатида аввало омборхоналарда санитар гигиеник ҳолатини таъминлаш ва белгиланган ҳарорат (12°C гача) ҳамда нисбий намликни (13% дан паст ҳолатда) меъёрида таъминлаш талаб этилади. Омборхоналарда зааркунадаларга қарши курашиш чоралари 2 хил (огохлантирувчи ва қирон келтирувчи) усул билан амалга оширилади. Омборхоналарда санитар ҳолатга риоя қилиниши хом-ашёларни белгиланган муддатларгача сақланишини тамиnlайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тюклаш (тойлаш), пресслаш ва брикетлаш нима?
2. Идиш (тара) турлари?
3. Хом-ашёларини (маркировкалаш) белгилаш
4. Хом-ашё маълумотлар хужжати
5. Хом ашёларни транспорт воситалари билан жўнатиш.
6. Хом ашёни сақлаш.
7. Хом-ашё зааркунандалари ва уларга қарши кураш чоратадбирлари

6-БОБ.

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁСИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Доривор ўсимлик хом-ашёсидан тахлил учун намуна олиш. Хом ашё тўпламининг ҳар қайси ўрин бирлигининг умумий ташқи кўриниши текширилади. Бунда тананинг заарланмаганлигига, намланмаганлигига, ГОСТ 6077-80 бўйича тўғри ўралгани ва маркировка қилинганлигига эътибор берилади.



27-расм. Тахлил учун намуна олиш

Ўртacha намуна олиш тўпламининг сони ва ўлчамига боғлиқ. Собиқ Иттифоқ фармокопеяси (XI нашри) ва ГОСТ 24027-0-80 бўйича агар тўпламда 1 тадан 5 тагача нуқсонсиз ўрин бўлса, ҳаммасини очиб қўриб ўртacha намуна олинади, 6 тадан 50 тагача ўрни бўлса, танлаб 5 таси очилади, 50 тадан ортиқ бўлса, 50 та ўрни ўриндан ажратиб олинган 5 тага қўшимча кейинги ҳар қайси 10 та ўрин ҳисобидан яна биттадан очиб қўрилади. Агарда тўпламда 50 дан ортиқ ўрин бўлса уларнинг 10% очиб қўрилади.

Тўплам очиб кўрилганда ранги, ҳиди, бир хиллигига катта аҳамият берилади.

Доривор хом-ашё маҳсулот қуийдаги ҳолларда яроқсиз деб топилади ва қабул қилинмайди:

1. бир сутка (1 кечакундуз) шамоллатишда кетмайдиган бадбўй ёт ҳид бўлса ёки ўзига хос ҳидини йўқотган бўлса;
2. заҳарли ўсимлик маҳсулоти аралашмаси бўлса;
3. бегона, доривор ва бошқа ўсимлик (сомон, хашак) ёки минерал аралашмалар (кум, тош) ҳамда қуш ва ҳайвонлар чиқиндиси рухсат этилган нормадан жуда кўп бўлса;
4. маҳсулот моғорланган ва чириган бўлса;
5. омбор зааркундалари билан II-III даражада заарланган бўлса.

Агар маҳсулотнинг ташқи қўриниши текширилганда унинг бир хил эмаслиги, қисман моғорлаганлиги ва чиринганлиги, бошқа ўсимликлар билан рухсат этилган миқдордан анача кўп ва бошқа нуқсонлар аниқланса, у вақтда тўплам бутунлай навларга ажаратилиб тозаланади ва қайтадан иккинчи марта қабул қилинади.

Рухсат этилган аралашма ва нуқсонлар миқдори анализи ёрдамида аниқланади. Бу анализ учун ГОСТ, (Давлат фармакопеяси) қўлланма ҳисобланади.

База ва омборларда, доривор маҳсулотлардан ишлаб чиқариш фармацевтика муассасаларида, маҳсус қилишда товаршунос анализи олиб борилади.

Товаршунос анализи икки босқичда бажарилади:

1-боскич. Маҳсулотни қабул қилиш ва анализ учун ўртача намуна олиш

2-боскич. Ўртача намунани анализ қилиш.

Маҳсулотни қабул қилиш. Фармацевтика заводлари ва бошқа ҳўжаликларда ҳамда марказлаштирилган омборларда доривор маҳсулотлар одатда кўп миқдорда партия қилиб қабул қилинади.

Оғирлиги 50 кг дан кам бўлмаган, ҳар тарафлама бир сифатни тасдиқловчи битта хужжат билан расмийлаштирилган маҳсулот солинган ўринлар тўдаси 1 та партия дейилади.

Партияга илова қилинган хужжатда қуидаги маълумотлар бўлади:

Хужжатни номери, у берилган ой, кун ва йил.

Жўнатган корхонани номи ва манзили.

Маҳсулотнинг номи.

Партия номери.

Партия оғирлиги (микдори, массаси).

Йигилган ёки терилган йили ва оий.

Тайёрланган туман (ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар),

Маҳсулот сифатини текшириш натижалари.

Маҳсулотга норматив-техник хужжатларни тўлдириш

Маҳсулот сифатига жавобгар шахснинг фамилияси, лавозими ва имзоси.

Доривор маҳсулот қабул қилинаётганда ГОСТ 6077-80 га мувофиқ қуидаги қоидаларга амал қилинади:

Қабул қилинадиган партиянинг ташқи кўринишини умумий текшириш.

Доривор маҳсулот солинган идишнинг (упаковкасининг) анализ учун очиладиган жойини танлаш.

Қабул қилинаётган партиянинг бир хиллиги ва нуқсонини аниклаш.

Ўртача намуна олиш. Доривор маҳсулотни таҳлил қилиш учун ҳар бир товар ўрнини учта жойидан, яъни юқори, ўрта ва пастки қисмини очиб намуна олинади. Бу усул намуна олиш деб аталади. Олинган намуналарни қўшиб бошланғич намуна ҳосил қилинади. Бир неча ўриндан олинган бошланғич намуналарни қўшиб эса ўртача намуна ҳосил қилинади. Баъзан бошланғич намуна микдори жуда кўп бўлади. Текшириш учун бошланғич намунадан керакли микдорда ўртача намуна ажариб олинади. Бунинг учун сатҳи текис материалга (плёнка, картон, қофоз, фанер, тахта ва бошқалар) бошланғия намуна 3 см қалинликда тўртбурчак шаклида жойлаштирилади. Кейин диагонал бўйлаб 4 бўллакка бўлинади. Қарма-қари бўлакларни ажратиб аралаштирилади

ва уларга ҳам юқоридаги каби шакл берилиб, яна иккига ажартылади.

Намунани аралаштириш ва бундай бўлакларга ажратиш иши керакли ўртacha намуна миқдори қолгунча давом эттирилади.

Ўртacha намуна миқдори ҳар хил маҳсулотлар учун турлича бўлади. Бу миқдор Давлат фармокопеяси (XI нашри) ва ГОСТ 24027-0-80 да кўрсатилган талабларга қўра қуийдагича бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўртa намуна миқдори

№	Маҳсулот номи	Ўртacha намунанинг миқдори, г
1	Қайин куртаги	150
2	Қарағай куртаги	350
3	Бутун, қирқилмаган барглар	400
4	Сано барги	200
5	Толокнянка ва бруслика барги	150
6	Қирқилган, майдаланган барглар	200
7	Гуллар	300
8	Дармана гули	150
9	Тирноқгул гули, маккажўхори оналик устунчаси	200
10	Қора маржондаражт гули	75
11	Доривор мойчечак гули	200
12	Далмация пиретрум гули	400
13	Бутун, қирқилмаган ўтлар, новдалар	600
	Булардан ташқари:	
14	Тоғрайхон ер устки қисми	150
15	Итсигак новдалари	200
16	Қирқилган, майдаланган ер устки қисмлар (ўтлар)	200

№	Маҳсулот номи	Ўртача намунанинг миқдори, г
17	Қуритилмаган сершира мевалар	200
18	Наматак меваси	300
19	Гармдори меваси	550
20	Қуруқ мевалар ва уруғлар	300
	Булардан ташқари:	
21	Мексика бангидевона, афсонак, зигир, жут уруғлари ва келла меваси	150
22	Бутун, қирқилмаган туганаклар, илдизлар ва илдизпоялар	600
	Бундан ташқари:	
23	Рўян илдизпоя ва илдизи, ғозпанжа илдизпояси	400
24	Салоб туганаги	200
25	Андиз илдизпоя ва илдизи	1000
26	Эркак пароротниги илдизпояси ва ровоч илдизи	1500
27	Етмак илдизи	10300
28	Қизилмия тозаланган илдизи	2500
29	Қизилмия тозаланмаган илдизи, зирк илдизи	6000
30	Қирқилган, майдаланган илдиз ва илдизпоялар	250
31	Порошок (кукун) ҳолидаги илдиз ва илдизпоялар	150
32	Бутун, қирқилмаган пўстлоқлар	600
33	Қириқилган пўстлоқлар	200
	Ўсимликларнинг бошқа маҳсулотлари	
34	Ликоподий (плаун споралари)	100
35	Шохкуя	200
36	Қайин замбуруғи – чага	3000
37	Денгиз карами – ламинария таломи	5000

№	Маҳсулот номи	Ўртача намунанинг микдори, г
38	Тўғриланган денгиз карами	1000
39	Куқун (порошок ҳолидаги денгиз карами)	400
Хайвонлар маҳсулотлари:		
40	Бодяга – спонгилла	150

Текшириш учун жаратилган ўртача намунани полиэтилен ёки кўп аватли қоғоз халтачага соли, унинг устига маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилган қоғоз ёпиштирилади. Худди шундай қоғоз халтачанинг ичига ҳам солиб қўйилади.

Маҳсулотни омбор заараркунандалари билан заарарланганлик даражасини аинқлаш учун бир хил аралаштирилган бошлангич намунадан 500 г (йирик маҳсулотлардан 1000 г) ажартиб олиб, оғзи зис ёпиладиган шиши идишга солиб қўйилади. Идиш ичига маҳсулот тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилган қоғоз солиб қўйилади.

Кейинчалик ўртача намуна текшириш учун юқорида келтирилган усулдан фойдаланган ҳолда уч қисмига бўлинади. Унинг бир қисми маҳсулотнинг чинлигини, майдаланган қисмини ва аралашмаларини, иккинчи қисми – намлигини ва учинчи қсими кулини ҳамда унинг таъсир қилувчи моддалари микдорини аниқлаш учун ишлатилади. Бу тахлилга олинган маҳсулот микдори ҳам Давлат фармокопеясига (XI нашр) биноан турлича бўлади (З-жадвал).

З-жадвал

Тахлил учун олинадиган тахминий намуна микдори

№	Маҳсулот номи	Аниқлаш учун олинадиган микдор, (гр).

		майдаланга н қисми ва аралашмалар	намлиг и	кули ва таъсир қилувчи моддалари
1	Қайин куртаги	50	25	25
2	Қарағай куртаги	200	25	100
3	Сано барги, толокнянка ва брусника	50	25	50
4	Қирқилган, майдаланган барглар	5	25	100
5	Бутун, қирқилмаган барглар	200	25	150
6	Гуллар	200	25	50
	Бундан ташқари:			
7	Дармана гули	25	15	50
8	Тирноқгул гули, маккажүхори оналик устунчаси	100	25	50
9	Қора маржондарахт гули	20	15	25
10	Доривор мойчечак гули	50	25	100
11	Далмация пиретрум гули	300	25	50
12	Бутун, қирқилмаган ўтлар, новдалар	300	50	200
	Булардан ташқари			
13	Тоғрайхон ер устки қисми	25	15	50
14	Итсигак новдалари	50	25	100
15	Қирқилган, майдаланган ер устки қисмлар (ўтлар)	50	25	100
16	Қуритилмаган сершира мевалар	100	50	50
	Булардан ташқари			
17	Наматак меваси	200	25	50
18	Гармдори меваси	300	25	150

№	Махсулот номи	Аниқлаш учун олинадиган миқдор, (гр).		
		майдаланга н қисми ва аралашмалар	намлиг и	кули ва таъсир қилувчи моддалари
19	Куруқ мевалар ва уруғлар	200	25	50
20	Мексика бандидевона, афсонак, зигир, жут уруғлари ва келла меваси	10	25	100
21	Бутун, қирқилмаган туганаклар, илдизлар ва илдизпоялар	300	50	200
	Булардан ташқари			
22	Рўян илдизпоя ва илдизи, фозпанжа илдизпояси	200	50	100
23	Салоб туганаги	100	25	50
24	Андиз илдизпоя ва илдизи	600	50	100
25	Эркак пароротниги илдизпояси ва ровоч илдизи	1000	100	300
26	Етмак илдизи	10000	200	-
27	Қизилмия тозаланмаган илдизи, зирк илдизи	5000	100	500
28	Қизилмия тозаланган илдизи	2000	100	200
29	Қирқилган, майдаланган илдиз ва илдизпоялар	100	25	100
30	Кукун ҳолидаги илдиз ва илдизпоялар	50	15	25
31	Бутун, қирқилмаган пўстлоқлар	400	50	100
32	Қириқилган пўстлоқлар	100	25	50

№	Махсулот номи	Аниқлаш учун олинадиган миқдор, (гр).		
		майдаланга н қисми ва аралашмалар	намлиг и	кули ва таъсир қилувчи моддалари
Ўсимликларнинг бошқа маҳсулотлари				
33	Ликоподий (плаун споралари)	50	25	25
34	Шохкуя	50	25	100
35	Қайин замбуруғи – чага	2000	5000	100
36	Денгиз карами–ламинария таломи	3000	400	1000
37	Тұғриланган денгиз карами	500	100	300
38	Кукун (порошок ҳолидаги денгиз карами)	100	50	200
Хайвонлар маҳсулотлари				
39	Бодяга – спонгилла	100	25	-

Маҳсулотни таҳлил (анализ) қилиш. Довирор ўсимлик маҳсулотларини ҳақиқийлигини аниқлагандан кейин, унга кирмайдиган органлари, қарайган, саргайған қисмлари, ҳашаротлар билан заарланганлик даражаси ҳамда бошқа органик, минерал аралашмалар ва бошқалар борлиги миқдорий жиҳатидан аниқланади.

Доривор ўсимликларнинг ҳамма қисмлари ҳам фармацияда доривор маҳсулот сифатида ишлатилмайди. Таркибида таъир этувчи кимёвий бирикмалар кўп бўлган органларгина доривор маҳсулот бўла олади. Масалан, канакунжутнинг таъсир этувчи мойи фақат уруғидан олинади. Бу ўсимлик поясида ёки баргида мой бўлмайди. Уруғга аралашиб кетган поя ва барг маҳсулот мифатини пасайтиради. Шунинг учун ҳам уруғда учраши мумкин бўлган ўсимлик қисмлари аралашмасининг йўл қўйиладиган миқдори ГОСТ да кўрсатилган.

ТАҲЛИЛ УЧУН ЎРТАЧА НАМУНАЛАР ОЛИШ СХЕМАСИ



Доривор маҳсулотни, айниқса барг, гул ва ўтларни тайёрлаш, қуритиш ва сақлаш жараёни нотўғри олиб борилса, улар қорайиб ёки сарғайиб кетади. Доривор маҳсулотлар шудринг кўтарилимасдан ёки ёғингарчиликдан сўнг хўллигида йигилса, шунингдек уларни уйиб қўйилса ҳам юкорида айтиб ўтилган ҳодисалар рўй бериши мумкин. Бундан ташқари, доривор маҳсулот ёмон қуритилганда (куритиш вақтида қалин қилиб ёйилса ёки жуда секин ва узок вақт қуритилса) ҳам қорайиб ёки сарғайиб қолади. Маҳсулотни ташқи кўринишидаги ўзгаришлар (қорайиши ва сарғайиши) таркибида кимёвий бирикмаларнинг парчаланганлигидан далолат беради. Агар маҳсулотнинг қорайган ва сарғайган қисми ГОСТ да кўрсатилган микдордан кўп бўлса, доривор маҳсулот қайтадан навларга ажратилади ёки ташлаб юборилади.

Доривор маҳсулот идишларга жойлаштириш (упаковка килиш) ва ташиш вақтида синиши, майдаланиши ҳамда кукунга айланиб кетиши мумкин. Айниқса мўрт органлар кўпроқ майдаланади. Майдаланиб кетган доривор маҳсулотнинг сифатибузилади. Чунки кукун бўлиб кегган маҳсулотни чанг ва тупроқдан тозалаб бўлмайди, айни вақтда доривор маҳсулот кислород ва Намлика кўпроқ дуч келади. Натижада доривор маҳсулотнинг намлиги ошади. Шунинг учун доривор маҳсулотларни иложи борича майдаланиб кетишидийн эҳтиёт бўлиш керак. Осон майдаланиб кетадиган мўрт маҳсулотлар майдаланган кисмининг рухсат этиладиган микдори ГОСТ, ОСТ. ВТУ ва Давлат фармакопеясида белгиланган.

Органик аралашмалар деганда бошқа ўсимликларнинг қисмла ри: хашак, кўмир, қипик ва бошқалар тушунилади. Минерал аралашмалар эса қум, кесак, темир, шиша, ойна парчалари ва бошқалардан иборат. Одатда органик аралашмалар доривор маҳсулотларда 1—3%, минерал аралашмалар эса 0,5—2% гача бўлиши керак.

Доривор ўсимликларнинг ҳамма қисмлари ҳам фармацияда доривор маҳсулот сифатида ишлатилмайди. Таркибида таъир этувчи кимёвий бирикмалар кўп бўлган органларгина доривор маҳсулот бўла олади. Масалан, канакунжутнинг таъсир этувчи мойи фақат уруғидан олинади. Бу ўсимлик

поясида ёки баргыда мой бўлмайди. Уруғга аралашиб кетган поя ва барг маҳсулот мифатини пасайтиради. Шунинг учун ҳам уруғда учраши мумкин бўлган ўсимлик қисмлари аралашмасининг йўл қўйиладиган микдори ГОСТ да кўрсатилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Хом ашёларни тавар ҳолатга келтириш усули
2. Доривор ўсимликларни сифатига қўйиладиган талаблар.
3. Доривор ўсимлик хом-ашёсидан тахлил учун намуна олиш усули.
4. Яроқиз деб топилган доривор хом-ашё маҳсулотлар.
5. Товаршунос анализи
6. Ўртacha намуна олиш

7-БОБ

ДОРИВОР ХОМ-АШЁНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ОПТИК АСБОБЛАР ВА ПРЕПАРАТЛАР

Баъзан доривор ўсимликларни хом-ашё маҳсулотлари турли хил рангда ва турли хил ўлчамларда тайёрланиши мумкин. Бу ҳолатларни оддий кўз билан чамалаб аниқлаш бир қанча мушкилликларга ва хулоса чиқариш эса кўпинча ноаниқликка олиб келади. Шунинг учун доривор ўсимлик хом ашё маҳсулотларини макро (морфологик) ва микро (анатомик) тахлил қилишда қўйидаги оптик ва ёрдамчи асбоблардан (*лупа, турли микроскоплар (биологик, таваршунослик, фитохимик, люминисцент ва бошқа таҳлилда), ёритувчи асбоб, объектив ва окуляр микрометрлари, расм чизадиан аппарат-РА-5, микротом ва бошқалар*) фойдаланишни тақозо этади.

Лупадан асосан доривор ўсимлик маҳсулотларини морфологик (ташқидан кўринишини) тахлил қилишда фойдаланилади. Унинг ёрдамида маҳсулотларда туклар, эфир мойли безлар бор-йўқлиги аниқланади ҳамда майда маҳсулотлар (соябонгулдошлар меваси, майда гуллар ва бошқалар) кўрилади.

Оддий лупалардан ташқари бинокуляр микроскопдан ҳам шу мақсадда фойдаланилади.

Стериомикроскоплар ҳам асосан доривор ўсимликлар маҳсулотини морфологик тахлил қилишда қўлланилади. Стериомикроскопнинг асосий моҳияти текширилаётган маҳсулотни ҳажмли қилиб кўрсатишдадир. Бу эса маҳсулотни текширишни анча осонлаштиради ва мукаммаллаштиради. Одатда тахлил учун МБС-1, МБС-2 ва МБС-3 стериомикроскопларидан фойдаланилади.

Биологик микроскоплар доривор ўсимликларнинг қирқилган (кесилган), майдаланган, порошокка (кукунга) айлантирилган маҳсулотларни ҳамда улардан тайёрланган брикетлар, гранулалар (доначалар) ва бошқаларни тахлил қилишда ишлатиладиган ягона асосий оптик асбобдир. Биологик микроскоплар ёрдамида маҳсулотларнинг анатомик тузилиши ўрганилади. Бу мақсадда МБР-

1, МБР-1А ва МБР-3 универсал биологик микроскопларидан фойдланилади.

Ёритгичлар (ёритувчи асбоблар) микроскоп остида кузатилаётган микропрепаратни табиий нур ёрдамиди кўришнинг иложи бўлмаган ҳолларда қўлланиладиган мосламалар. Ёритгичларнинг нур манбаи сифатида электролампалар хизмат қилади. Микроскопда кўпинча ўтказувчи нур билан ёритувчи ОИ-9 ва ОИ-31 ёритгичлари ҳамда қайтариувчи нур билан ёритувчи ОИ-21 ёритгичлари ишлатилади.

Окуляр ва объектив микрометрлар микропрепаратларнинг турли қисмларини (туклар, безлар, оғизчалар, хужайралар, сув найлари вабошқаларнинг) ҳамда хужайра ичиддаги элементларни (крахмал доначлари, кристаллар ва бошқаларнинг) ҳажмларини (катта-кичиклигини) микроскоп остида ўлчаш учун ишлатилади. Бу мақсад учун асосан окуляр микрометридан фойдаланилади, лекин унинг бўлинган чизиқлари олдиндан объектив микрометрининг бўлинган чизиқлари билан таққосланиб, уларнинг қимматлари анқланган (калиброка қилинган) бўлиши керак. Объектив микрометр оддий буюм ойнacha бўлиб, у 1 мм ли 100 бўлакчага (чизиқларга) бўлинган. Ҳар бир бўлакчалири 10 мкм га teng. Окуляр микрометр бўлакчаларга (чизиқчаларга) бўлинган айлана шаклли ойнacha бўлиб, у микроскоп окуляри ичига ўрнатилади.

Микротом ўсимлик органларидан узлуксиз қатор юпқа кесимлар – микропрепаратлар тайёрлаш учун ишлатилади. Ҳозирги вақтда кенг қўлланиладиган микротом чана типидагисидир. Микротом ёрдамида ўсимликлардан кесим олиш учун маҳсулот маҳсус тайёрланнади.

Расм оладиган (чизадиган) аппарат ўсимлик тўқималарини (ҳайвон тўқималари ва бошқа нарсаларни ҳам) микроскоп остидаги тасвирини чизиш учун қўлланиладиган асбоб. Бу аппарат тасвирнинг умумий қиёфасини ва унинг таркибий қисмларини катта-кичиклигининг ўзаро нисбатини сақлаган ҳолда рсига туширишини таъминлайди. Шу мақсадда асосан РА-6 расм оловчи проекцион асбоб ишлатилади.

Доривор ўсимлик маҳсулотларини анатомик ёки микроскопик таҳлил усувлари. Агарда доривор ўсимликлар маҳсулоти таҳлилга қирқилган ёки

кукун ҳолида юборилган бўлса, уларнинг ҳаққонийлиги юқорида айтиб ўтилганидек, фақат микроскопик усул ёрдамида аниқланади. Бунинг учун албатта таҳлил қилинмоқчи бўлган ўсимлик органидан микропепарат тайёрланади ва микроскоп остида текширилади.

Микроскопик техника ёрдамида доривор ўсимлик маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини аниқлашга жавоб бера оладиган препаратни микроскопик текшири учун тайёрланади.

Микроскопик техника материални текширишга тайёрлаш, микропрепарт тайёрлаш усуллари ва бошқа масалларни ҳал қилишни талаб этади. Ўрганиладиган маҳсулот ўсимликнинг қайси қисмiga тегишли экинлигига қараб текширишнинг микроскопик техника усули аниқланади.

Микроскопик техника ёрдамида микроскопда аниқ ажаратила оладиган турли кўришдаги микропрепарат тайёрланиши керак. Бунга объектларни суюқлида ёритиш, уларни бўяш, у ёки бу суюқлик билан шимдириш ва бошқалар ёрдам беради.

Доривор ўсимлик маҳсулотларини макроскопик таҳлил усуллари. Макроскопик таҳлил тегишли норматив-техник хужжатлар (ФС, ВФС, ГОСТ ва бошқлар)нинг “Ташқи белгилари” бўлимининг талабларига асосланган ҳола олиб борилади.

Буда ўсимлик маҳсулотларининг ташқи кўриниши қўз билан ёки 10 марта катта қилиб кўрасатадиган лупа ёрдамида кузатилади, уларга хос бўлган белгилар (маҳсулот шакли) умумий кўриниши, туклар билан қопланганлиги, баргларининг томирланиши, илдиз поясларнинг синдиргандаги ички кўриниши, ранги, хиди, заҳарли бўлмаган маҳсулотлар мазаси ва бошқалар аниқланади ва тегишли хужжатларга солиштириб кўриб хулоса чиқарилади.

Макроскопик таҳлил учун доривор ўсимлик маҳсулотларининг ўртacha намунасидан бир қисмини олиб, уни бирор текис нарса (маҳсус фанер, плёнка, оқ картон, қоғоз ва бошқалар) устига текис ёйиб қўйиб, лупа ёрдамида кўрилади. Агарда барг планстинкаси юпқа бўлиб, қуритиш вақтида буришиб қолган бўлса (шунингдек қуритилганда буришган хўл меваларни ҳам), бир неча

дақиқа иссиқ сув солиб олинади. Сүнгра баргни эҳтиёткорлик билан ойна пластинкаси устига ёйлади, мева эса хўллангандан кейин ўзининг қуритилмасидан олдинги ҳолатига келади.

Маҳсулотларнинг катта-кичиклиги чизғич (ленейка) ёки миллиметрли қоғоз ёрдамида узунасига, эни қалинлигига ва айланасига 10-20 марта ўлчаниб, кейин хulosha чиқарилади.

Маҳсулотнинг ранги табиий ёруғликда аниқланиши лозим. Илдиз, илдизпоя ва қалин пўстлоқларнинг кўринишидан ташқари кўндалангига синдирилгандаги ранги ҳам аниқланади.

Маҳсулотларнинг хидини аниқлаш учун уларни бармоқлар орасида эзиб майдалаб, қаттиқларини (илдиз, илдизпоя, уруғ, мева ва бошқалар) синдириб, скальпель (пичноқ) ёрдамида қириб ёки ҳавончада майдалаб ҳидланади.

Заҳарли бўлмаган доривор ўсимлик маҳсулотларини мазасини аниқлашда, уларни олиб чайнаб кўриш, сўнгра ташқарига (ютмасдан) тупуриб ташлаш ва оғизни сув билан чайиш керак.

Доривор ўсимлик маҳсулотларининг макроскопик таҳлилини тўғри ўтказиш учун таҳлил қилувчи шахслар албатта ўсимлик морфологияси соҳасида тўлиқ билимга эга бўлишлари лозим. Бу эса уларнинг ботаника соҳасидаги назарий билимлари ва кўникмаларига асосланади.

Микропепарат тайёрлаш тартиби. Доривор ўсимлик маҳсулотларни анатомик микроскопик усулда ҳақиқийлигини аниқлашда микроскоп билан ишлашдан олдин унинг тозалигини текшириш керак. Шундан кейин микроскопнинг дастали томонини ўзига қаратиб тўғриланади.

Доривор ўсимлик маҳсулотидан микропепарат тайёрлаш учун уни юмшатиш керак. Материални турли усуллар билан: совуқ, иссиқ, сув буғи ёрдамида ёки нам камерада юмшатилади.

Совуқ усул билан юмшатиш. Текширилаётган ўсимлик маҳсулотлари: пўстлоқ, мева, уруғ, ер устки қисмлари, қалин баргларини сув-глицерин-спирт (1:1:1) аралашмасига солинади ва ўсимлик тўқимлаларига суюқлик тўлиқ шимилиши учун бир неча кун унда сақланади. Бу вақт давомида ўсимлик

хўжайраларидаги ҳаво чиқиб кетади ва маҳсулот қисман тиниқлашади. Материални совуқ хўллаш усулларидан нача оддийси ва кўп қўланиладигани объектни 1-3 соат давомида сувга солиб қўйиш ва намлангандан сўнг уни глицерин ва спирт (1:1) ёки глицерин-сув-спирт (1:1:1) аралашмаларида 1-3 кун давомида сақладир.

Материални юматишни нам акамерада ҳам олиб бориш мумкин. Нам камера сифатида сув солинган эксикатордан фойдаланилади. Маҳсулот сувга тегмаслиги ва фақат у камерадаги нам ҳаво ёрдамида юмшатилиши керак. Бу юмшатиш усули анча ват талаб қиласа ҳам, хужайра структураси ва унинг таркиби ўзгармамайди, яъни хужайра шишидан, шиллиқнашидан, ювилишидан ва бошқа ҳолатлардан сақланади.

Кўпинча нам камерада юпқа материаллар 1 кун, қаттиқ, қалин материаллар 2-3 кун сақланади ва улар моғор билан қопланмаслиги учун камерадаги сувга 1-2 томчи фенол, формальдегид ёки хлороформ қўшилади. Бу усул билан маҳсулот юмшатилганда ундан ҳаво бутунлай чиқиб кетмайди, перепарт тайёрлаётган вақтда, қиздириб ҳавони чиқаришга тўғри келади.

Иссик усул билан юмшатиш. Бу усул энг оддий ва тез бажариладиган усул ҳисланади. Бунинг учун маҳсулотни 1-2 см узунликдаги қисмлари сувда (пўстлоқ 3-5 дақиқа, ўсимлик ер сотки қисми унинг қалинлиги ва тўқималарининг ёғочланиши даражасига қараб 10-30 дақиқа давомида) қайнатилади. Мева ва уруғлар асосан сув қайнаб ҳосил бўлган буғи устига докага жойлаштирилган ҳолда 15-30 дақиқа ёки ундан кўпроқ вақт давомида осиб қўйиб юмшатилади.

Барг ва угллар қалинлигига қараб 2-5 дақиқа давомида 3-5% ли ишқор эритмасида қайнатилиб юмшатилади ва ёритилади. Сўнгра аралашма Петри идиига ёки чинни идишгача солиб сув билан бир неча марта ювилади. Кейинчалик юмшатилган маҳсулотдан тегишли микропрепарат тайёрланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Лупалардан қандай мақсадларда фойдаланилади?
2. Стериомикроскоп турлари?
3. Биологик микроскоплар қандай маҳсулотларни таҳлил қилиш учун ишлатилади?
4. Ёритгичлар нима учун керак?
5. Окуляр ва объектив микрометрлар ҳақида намаларни айта оласиз?
6. Микроскопик таҳлил нима?
7. Макроскопик таҳлил нима?
8. Микропепарат тайёрлаш тартибини тушинтириңг?

8-БОБ

ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ҚОИДАЛАРИ (ёки ТОИФАЛАРИ)

Стандартлаштириш типлари. Стандартлаштириш – бир соҳанинг фаолиятини тартиблаш мақсадида ҳамма манфаатдор бўлган тарафлар фойдасига хизмат қиласидиган қонунлар тўплами ва бу қонунларни улар иштирокида қўллашдир.

Фан ва техника тараққиётiga ҳамда илғор тажрибаларга асосланган ҳолда стандартлаштириш техника тараққиётини тезлатиш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган мажбурий нормалар, талаблар ва қоидаларни давлат корхоналарига, муасссаларга, ташкилот ваидораларга режали равишда татбиқ этиш билан ҳалқ хўжалигини идора қилишда катта химат қиласиди. Бу мажбурий талаблар, нормалар ва қоидалар тегишли норматив-техник ҳужжатларда келтирилади.

Доривор ўсимликларни стандартизация бўйича норматив техник ҳужжатлар маълум тартибда ишлабчиқилган ва ваколатли идора томонидан тасдиқланган айрим соҳаларда бажарилиши мажбур бўлган норма, талаблар, қоидалар мажмуасини ўргатади.

Ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳасини ўзига олган Давлат стандартизацийи Собиқ Иттифоқда 1925 йили тузилган. Ҳозирги вақтда бу тизимга қўйидаги идоралар киради:

1. барча стандартизация тақшилотлари ва уларнинг бўлимлари;
2. ҳалқ хўжалик тармоқаридаги стандартизация бўлимлари;
3. республикамиздаги стандартизация бўлимлари

Стандартизация ва метрологияга раҳбарлик қилувчи давлат ташкилоти – стандартлар бўйича Давлат қўмитаси (Госстандарт) жорий этилган.

Госстандартнинг асосий вазифалари:

1. стандартлаш тараққиётининг асосий йўналишини аниқлаш, илмий

методик ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, тармоқлараро саноат маҳсулотлари ва метрологияни бир хил қилиш;

2. стандартлаштириш тизимини ва метрологияни такомиллаштириш;

3. маҳсулот сифатининг кўрсатичини стандартлаш (ишлаб чиқариш, қабул қилиш ва таҳлили бўйича);

4. стандартларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларга риоя қилиш бўйича давлат назоратини бажариш.

Барча вилоталарда стандартлаштириш фаолиятига Давлат план комиссияга (Госплан) ва Госстандарт республика бошқармаси раҳбарлик қилади.

Ҳалқ хўжалик тармоқларида эса бу ишларга Вазирликларнинг ёки бошқармаларнинг стандартлаштириш бўлими ўзларига бириктириган шу соҳадаги хизматчиларга методик-такшилий раҳбарилк кўрсатади.

Соғлиқни сақлаш Вазирлигидаги стандартлаштириш бўйича ишларни илмий-техник бошқармаси координациялади. Доривор воситалар ва доривор ўсимликлар маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта кўриб чиқиш ишларини Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Фармакопея қўмитаси бошқаради.

Стандартларнинг тоифаси. Стандартлар таъсир қилиш соҳаси, мазмуни ва тасдиқланиш даражасига қараб қўйидаги тоифа ва турларга бўлинади:

1. Давлат стандартлари – ГОСТ

Кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган ҳамда ҳалқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишлатиладиган ўсимлик маҳсулотлари Давлат стандарти қарори бўйича тузилади ва тасдиқланади (кучга киритилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади). Тасдиқланган ГОСТ га тегишли белги берилади. Бу белги ГОСТ индекси, рўйхати сони ва ГОСТ нинг тасдиқланган йилидан ташкил топади. Масалан, ГОСТ 13.309.79. Бу белгида 13 ГОСТ индекси, 309 – шу хом ашё стандарт рўйхати сони, 79 – эса ГОСТ нинг тасдиқланган йили.

Давлат стандартлари талабларига амал қилиш республика миқёсидаги барча идораларга, корхоналарга ва муассасаларга мажбурийдир.

2. Соҳа стандартлари – ОСТ

ОСТ бирор соҳанинг корхоналарида, муассасаларида, идораларида ишлатиладиан ҳамда уларга тегишли бўлган намунали технологик жараён, нормалар, талаблар, қоидалар, усуллар ва бошқаларга ишлаб чиқилади ва шу соҳанинг вазирлиги (бошқармаси) томонидан тасдиқланади (кучга киритилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади). ОСТ талабларига итоат этиш соҳасининг ҳаммаа корхоналари, идоралари ҳамда шу соҳада маҳсулотини ишлатадиган бошқа соҳа идорлари ва корхоналари учун мажбурийдир.

3. Иттифоқ республикаларнинг стандартлари – РСТ

Республика стандартдари ГОСТ ва ОСТ га тегишли бўлган маҳсулотлардан ташқари шу республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун тузилади, республиканинг ўзида тегишли бошқармалар томонидан тасдиқланади (кучга киритилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади) ҳамда унинг талабларига итоат этиш ушбу ҳудудидаги корхона, идора ва муассасалар учун мажбурийдир.

4. Корхона стандарти – СТП

СТП бирор корхона учун қабул қилинган норма, талаблар, қоидалар, усуллар ва бошқалар учун ишлаб чиқарилади, корхона бошлиҳи томонидан тасдиқланади (кучга киритилади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади ва уни талаблаига итоат этиш шу корхона учун мажбурийдир).

Доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотлари учун норматив-техник ҳужжатлар Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган соҳа стандарит ОСТ 42-1-71 “Доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиблари”га биноан тузилади. Норматив-техник ҳужжатлар доривор воситалар сифатини доимий равишда яхшиланишини таъминлаши ҳамда ўз талабларини фан ва техника ютуқлари асосида доим мукаммаллаштириши керак.

Доривор ўсимликларни стандартлаштириш. Доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотларига тузиладиган норматив-техник хужжатлар қуиагилар:

Давлат стандартлари – ГОСТ, Фармакопея мақоласи – ФС, вақтинча фармакопея мақоласи – ВФС ва соҳа стандарти – ОСТ (илмий-техник атамалар, умумий техник хужжатлар, технологик нормалар, қабул қилиш қоидалари, белгилаш, маркалаш, сақлаш, транспортларда жўнатиш қоидалари ва бошқалар).

ГОСТ – кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган ҳамда ҳалқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлатиладиган ўсимлик маҳсулотлари учун тузилади ва Госстандарт томонидан тасдиқланади.

ФС – Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тиббиёт соҳасида ишлатишга рухсат этилган, қўплаб, сериялаб ишлаб чиқариладиган доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотларига тузилади, ҳамда Соғлиқни сақлаш Вазирлигиниг илмий-техник бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланади.

ВФС – Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг Фармакология қўмитаси томонидан тиббиёт соҳасида ишлатишга тавсия этилган, кейинчалик қўплаб чиқаришга мўлжаланган янги доривор воситаларнинг саноатда биринчи чиқарилган нусхалари ва доривор ўсимликларни янги турларига тасдиқланади. ВФС қисқа, лекин 3 йилдан зиёд бўлмаган муддатга тасдиқланади.

ВФС ва ФС лар давлат стандартларига (ГОСТ га) тенглаштирилган. Шунинг учун доривор воситалар ва доривор ўсимликлар маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган, назорат қиласидиган ва ишлатадиган ҳамма корхона, муассасалар ва идоралар ФС ва ВФС талабларига итоат этишлари мажбурийдир.

Қадимдан кенг миқёсда ишлаб келинаётган, касалликларни даволашда катта аҳамията эга бўлган, ўз қимматини йўқотмайдиган доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотларига тузилган фармакопея мақоласи Давлат фармакопеясидан ўрин олади. Давлат фармакопеясида булардан ташқари яна

утрли мақолалар (физик, физик-кимёвий, кимёвий ва биологик таҳлил усуллари, дорилар таҳлилидан ишлатиладиган раективлар, индикаторлар, асосблар, идишлар ва бошқалар түғрисида) бўлиб, улар қонуний мазмунга эга. Шунинг учун Давлат фармакопеясининг доривор воситалар ва доривор ўсимлик маҳсулотларига инсбатан талабаларни бажариш республика ҳудудида уларни ишлаб чиқарувчи, назорат қилувчи, сақловчи ва ишлатувчи корхона муассаса ва идораларга мажбурийдир.

Давлат фармакопеяси ва мармакопея мақоласи вақт-ватқида қайтадан кўриб чиқилади ва янгидан тасдиқланади, эскилари эса ўз кучини йўқотади.

Доривор ўсимлик маҳсулотларига тузилган ҳамма норматив-техник хужжатлар (ФС, ВФС, ГОСТ ва бошқалар) бир хил тузилишга эга ҳамда улардан келтирилган маъулмот ҳам бир хил тиртибда баён этилган.

Мақоланинг сарлавҳасида доривор ўсимлик маҳсулотининг лотин, рус ва давлат тилида номи берилади.

Кириш қисмида маҳсулотни қандай ўсимлиқдан (ёввойи ҳолда ўсадиган ёки ўстириладиган) ва қачон тайёрланганлиги (йифиш даври ёки ўсимликнинг ўсиш босқичи), ўсимлик ва оиласининг ручса ҳам лотинча номлари келтирилади.

Сўнгра ФС нинг бўлимлари бошланади:

“Ташқи белгилари” бўлимида бутун, қирқилган, кукун (порошок) ҳолидаги маҳсулотга хос бўлган морфологик белгилари ҳамда маҳсулотнинг хиди ва мазаси (захарли бўлмаган маҳсулотлар учун) берилади.

“Микроскопия” бўлимида маҳсулотнинг анатомик тузилишдаги ўзига хос ташхисий белгилар келтирилади ҳамда микроскопик таҳлил вақтида бажариладиган мкрокимёвий реакциялар берилади.

“Сифат реакциялар” бўлимида маҳсулот биологик моддаларга хос ва маҳсулотнинг чинлигини аниқлашда аҳамиятли реакциялар, хроматографик таҳлил ҳамда уларни бажариш усуллари берилади.

“Сонли кўрсаткичлар” бўлимида маҳсулотда бўлиши керак бўлган биологик фаол моддалар ва рухсат этиладиган (намлиқ, умумий қул, 10%

хлорид кислотада эритмайдиган кул ҳамда аралашмалар) шу ўсимликнинг бошқа қисмлари (нуқсонли маҳсулот, органик ва минерал аралашмалар ва бошқалар) миқдорлари келтирилади.

“Миқдорий аниқлаш” бўлимида маҳсулотнинг асосий таъсир этувчи биолоигк фаол моддасининг (ёки биологик фаоллигини) аниқлаш усуллари тўлиқ келтирилади ёки шу усуллар Давлат фармакопеясининг қайси қисмida берилганлиги кўрсатилади.

“Жойлаш” – қадоқ қилиш бўлимида қандай идишда (қоп, яшик, қути, хатача ва бошқалар) маҳсулотнинг қанчадан жойлаштирилганлиги келтирилади.

“Маркалаш” (белги қўйиш), **“Транспортда жўнатиш”** ва **“Сақлаш”** бўлимларида доривор ўсимлик маҳсулотларининг транспорт воситаларида жўнатиш пайтида маркалашда ишлатиладиган бўёқларга ҳамда маҳсулотни омборларда ва дорихоналарда сақлаш ватида бажариладиган талаблар келтирилади (*юкорида ёритилган*).

Доривор ўсимлик маҳсулотлари ҳақиқийлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

Доривор ўсимлик маҳсулотларини таҳлил қилиш уларни ҳақиқийлигини (ўз номларига тўғри келишини) аниқлашдан бошланади. Бунда хом ашё маҳсулотининг ўз номига мос келиши, таркибидаги биологик фаол моддаларнинг миқдорини ва маҳсулотни норматив-техник ҳужжат талабларига жавоб бериши тўғрисида фикр юритилади. Шунинг учун доривор ўсимлик хом ашё маҳсулотларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш билан бошланади ва сўнгра эса, юқори сифатлилиги тўғрисида фикр юритилади.

Маҳсулотларнинг ҳиқиқийлигини аниқлаш уларни қайси ҳолатда таҳлилга юборилганлигига қараб турли усуллар билан олиб борилади. Доривор ўсимлик маҳсулотлари омборларга ва дорихоналарга майдаланмаган – бутун, маълум катта-кичикликда қирқилган ва майдалаб кукунга айлантирилган ҳолатларда келтирилади. Демак, шу ҳолатда улар таҳлилга ҳам юборилади.

Агар маҳсулотлар бутун, қирқилмаган ҳолда таҳлилга юборилган бўлса,

уларнинг ҳақиқийлиги фақат ташқи кўринишига қараб – морфологик, яни макроскопик усули билан, йирик қирқилган бўлса – асосан макроскопик ва қисман анатомик тузилиши бўйича, яъни микроскопик усул ёрдамида, агарда доривор ўсимлик маҳсулотлари майда қирқилган ёки кукунга – порошкка айлантирилган бўлса, фақат микроскопик усул билан аниқланади.

Маҳсулотлар таҳлилида микрокимёвий ва баъзи биологик фаол моддаларга қилинадиган кимёвий реакциялар, улар ҳақиқийлигини аниқлашга ёрдам беради.



28-расм. Таҳлил учун намуна олиш ва таҳлил этиш

Доривор ўсимлик маҳсулотларини ҳақиқийлигини аниқлашда микрокимёвий таҳлил. Доривор ўсимлик маҳсулотининг ҳақиқийлигини аниқлашда гистокимёвий раекциялар қўшимча маълумот беради. Улардан ташқари гистокимёвий реакциялар ёрдамида кимёвий моддаларнинг ҳужайра ва тўқималарда тўпланиш жойларини аниқлаш мумкин. Бу эса ўсимлик

маҳсулотларини ишлатишга оид амалий масалларни ҳал қилишда аҳамиятлидир.

Гистокимёвий реакциялар жуда кам миқдордаги моддаларни ҳам аниқлашга ёрдам бериши туфайли, бу ишни олиб борилганда эҳтиёткорликка ва тоза ишлашга амал килиш керак. Гистокимёвий реакциялар ўзига хос бўлгани учун текширилаётган объектдан шу реакцияни берувчи бошқа моддалар олдиндан ажратиб олинган бўлади.

Гистокимёвий реакция учун тайёрланаётган кесим жуда юпқа бўлиши шарт эмас, 2-3 хужайра қалинлигига бўлиши керак. Яна шуни қайд этиш керакки, кам миқдорда аниқлананаётган моддаларга жуда оз миқдорда реактив таъсири эттириш керак. Гистокимёвий реакцияларда ишлатиладиган кўп реакциялар турғун бўлмаганни сабабли, улар янги тайёрланиши ва алоҳида сақланиши лозим.

Гистокимёвий реакциялар хўл ва маҳсус усул билан сақланган ўсимлик кесимида олиб боралади. Агар реакция натижасида бирор модданинг тўпланиш жойини эмас, фақат унинг борлигини аниқлаш керак бўлса, у ҳолда реакция майдаланган қуруқ ўсимликда (қиринди, кукун) олиб борилади ва реакцияни микрокимёвий реакция деб аталади.

Реактивнинг характеристи ва таъсири этиш вақтига қараб реакцияси буюм ойначасида, соат ойнасида ёки бюксда олиб борилади. Унинг натижасида микроскоп остида олдин кичик, кейин катта объективда кўрилади. Кўпгина гистокимёвий реакцияларни тезликда олиб бориш ва кузатиш лозим бўлади, акс ҳолда ўсимлик тўқималари реактив тасирида парчаланиб кетиши мумкин.

Целлюлозага реакция. 1. *Рух-хлор-йод билан реакция.* Буюм ойначасидаги 1 томчи сувга кесимни тўғри жойлаштириб, сувни фильтр қоғози билан ториб олинади ва кесимга 1 томчи хлор-цинк-йод реактиви томизилиб қоплагич ойна билан беркитилади ва микроскопда кўрилади. Ҳақиқий целлполозадан ташкил топган хужайра девори кўк-бинафша рангга бўялади.

Ёғочланган клетчаткага (қобикга) реакция. 1 *Флороглюцин ва хлорид кислотаси билан реакция.* Кесимни буюм ойначасидаги флороглюциннинг 1%

ли спиртли эритмасига жойлаштирилади, кейин фильтр қофози ёрдамида реактив шимилиб олинади ва кесимга 1 томчи концентранган хлорид кислотаси томизилади, 1-2 дақиқа ўтгандан кейин 1 томчи хлор-алгидрат солиб қоплагич ойна билан беркитилади ва микроскопни кичик объективида кўриади. Ёғочланган хужайра деворлари ёғочланниш даражасига қараб пушти рангдан то тўқ қизил рангча бўялади.

2. Сафронин билан реакция. Кесимни бюкс ёки соат ойначасидаги сафрониннинг 50% ли спиртдаги 1% ли эритмасига жойлаштирилади. 30 дқиқа ўтгач уни олдин 50% ли спирт билан кейин кислота сақлаган спирт билан ювилади, тўқиманинг ёғочланмаган қисмида сафронинни ювиб чиқарилади. Кейин бўялган кесим буюм ойначасидаги глицеринга жойлаштирилиб микроскопда кўрилади. Бунда ёғочланган хужайра деворлари қизил рангга бўялади.

Крахмалга реакция. Текширилаётган кесим ёки кукунини буюм ойначасидаги Люгол эритмасига (йоднинг калий йодиддаги эритмаси) жойлаштирилади ва қоплагич ойна билан ектилиб микроскопда кўрилади. Бунда крахмал доначалари кўк ёки кўк-бинафша рангга бўялади. Препаратни қиздириш рангнинг йўқолишига олиб боради.

Инулинга реакция. Текширилаётган ўсимлик кесимининг бўлакчаси (хўл ҳолатда) бир неча кунга 70% ли спиртга солиб қўйилади ва ундан тайёрланган кесим спиртда ёки глицеринда микроскоп остида кўрилади. Бунда нинича шаклли кристаллардан ташкил топган инулинни сферокристаллари кўринади.

Инулин, крахмал ва қанднинг борлигини Молиш реакцияси билан ҳам нақласа бўлади. Бунинг учун кесим буюм ойначасидаги нафтол (ёки тимолни) спиртадиг 10-20% ли эритмасига жойлаштирилади, устига 1 томчи концентранган сульфат кислота томизиб, қоплагич ойна билан бектилади ва микроскопда кўрилади. Бунда углеводлар (инулин, крахмал, қанд) қизил-бинафша ёки зарғалдоқ-қизил рангга бўялади.

Шиллик моддаларга реакция. a). Туш билан реакция, текширилаётган маҳсулот кукунини буюм ойначасидаги қора тушнинг сувдаги эритмасига

(1:10) жойлаштирилади ва қоплагич ойна билан беркитилиб микроскопда кўрилади. Бунда қора фонда шиллик модда сақловчи хужайралар оқ доғ шаклида кўринади.

б). Метилен кўки билан реакция: кесим буюм ойначасидаги метилен кўкининг спиртдаги эритмасига (1:5000) бир неча дақиқага жойлаштирилади ва кейин глицерин солиб микроскопда кўрилади. Бунда шиллик моддалар ҳаво рангга бўялади.

в). Мис сульфат ва ишқор билан реакция: кесимни буюм ойначасида 5-10 дақиқага мис сульфатнинг концентранган эритмасига жойлаштирилади, кейин сув билан ювилади ва унга калий ишқорининг 50% ли эритмаси томизилади. Бунда шиллик моддалар ҳаво ранг ёки яшил рангга бўялади.

Ёғларга реакция. Судан билан реакция: кесимни Судан III эритмасига 1 кун давомида солиб қўйилади ва микроскопда кўрилади. Ёғ томчилари зарғалдоқ-қизил рангга бўялади. Бу реакцияни эфир мойлари, смолалар ва ўсимликнинг бошқа моддалари бергани учун ёғларга унча хос эмас. Шу сабабли ёғлар борлиги яна совунланиш реакцияси билан аниқланади.

Розенталер усулида совунлаш: кесим буюм ойначасидаги калий ишқорининг 15% ли эритмасига жойлаштирилади ва бир оз қиздирилади. Бир неча дақиқадан кейин ёғ кислоталарининг тузлари (совун) нина шаклидаги кристаллар ҳолида кўринади.

Эфир мойларига реакция. Эфир мойлари Судан III билан ёғлар каби аниқланади. Эфир мойларини ёғлардан ва смолалардан фарқлаш учун текширилаётган препаратни бин неча дақиқага метилен кўкнинг сувдаги эритмасига (0,1 г метилен кўкни 500 мл сувда эритилади) жойлаштирилади ва уни сувда ёки микроскоп остида кўрилади. Бунда эфир мойлари кўк рангга бўялади.

Эфир мойларини борлигини аниқлаш учун бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади. Препаратни сув билан қиздирилганда эфир мойлари учиб кетади ва бўёвчи реагентлар билан қиздирилганда эфир мойлари учиб кетади ва бўёвчи реагентлар билан реакция бермайди.

Смолаларга реакция. Смолалар ҳам ёғ, эфир каби Судан III ёки бошқа реактивлар билан бўялиб реакция бериши мумкин. Лекин бу реакциялар характерили эмас. Уларни қўйидаги реакция билан аниқлаш мумкин.

Мис ацетати билан реакция. Текширилаётган маҳсулот бўлаги мис ацетатининг концентрланган эритмасига бир неча кунга солиб қўйилади. Кейин ундан кесим тайёрлаб, буюм ойначасига кесмга жойлаштирилади ва қоплагич ойна билан беркитилиб микроскопда кўрилади. Бунда смолалар яшил рангга бўялган ҳолда кўрилади.



29-расм. Маҳсулотни таҳлил (анализ) қилиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Стандартларнинг тоифаси.
2. Давлат стандартлари – ГОСТ
3. Соҳа стандартлари – ОСТ
4. Иттифоқ республикаларнинг стандартлари – РСТ
5. Корхона стандарти – СТП
6. Фармацевтика стандарти-ФС
7. Доривор ўсимлик маҳсулотлари ҳақиқийлигини аниқлаш
8. Доривор ўсимлик маҳсулотларини ҳақиқийлигини аниқлашда микрокимёвий тахлил?



30-расм. Тайёр хом ашё

ГЛОССАРИЙ

Ғунча (Бутоны (Alabastra))- Тўлиқ очилмаган (ғунча ҳолатидаги) гулларни меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Гул-тўлиқ очилган (гул ҳолатидаги) гулларни меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Туганак илдиз (Клубнекорни (Radices tuberosae, или Radicitubera))- Шакли ўзгарган, ер устки қисмидан ажратилган йўғонлашган илдизларни қуритилган ва тупроқдан тозаланган ҳолда меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Пиёзбош (Клубнелуковицы (Bulbotubera))- Туганак пиёз шаклига келган, илдизпояси кенгайтирилган ҳолдаги поялари қуритилган ва тупроқдан тозаланган, устки барглари сақланган ва янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Туганак (Клубни (Tubera))- Шакли ўзгарган ва йўғонлашган еости поялари қуритилган ва тупроқдан тозаланган, бутун териб олинган ёки кесиб олинган янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Туганак ва илдизлар (Клубни с корнями (Tubera cum radicibus)) - Илдизлари ажратилмаган туганакларни қуритилган ва тупроқдан тозаланган, бутун териб олинган ёки кесиб олинган янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Пустлок (Кора (Cortex))- Дараҳт ёки буталарнинг танаси, шох ва шоҳшаббасининг юқори камбий қисмидан ажратиб олинган қуритилган пўстлогини меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Илдизпоя (Корневища (Rhizomata))- Илдизлари ер устки қисмидан ажратилган ҳолда қуритилган ва тупроқдан тозаланган, бутун териб олинган ёки кесиб олинган янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йифиб олиш;

Илдизпоя ва илдиз (Корневища и корни (Rhizomata et radices))-

Илдизлари ажратилмаган туганакларни қуритилган ва тупроқдан тозаланган, бутун териб олинган ёки кесиб олинган янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йиғиб олиш;

Илдиз (Корни (Radices))- Илдизлари ер устки қисмидан ажратилган ва айрим ҳолларда илдизнинг янги илдизпояси билан бирга тайёрланган ҳолда қуритилган ва тупроқдан тозаланган, бутун териб олинган ёки кесиб олинган янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йиғиб олиш;

Барг (Листья (Folia))- Оддий ёки мураккаб баргларнининг қисмларини қуритилган, бутун териб олинган, янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йиғиб олиш;

Пиёз (Луковицы (Bulbi))- Пиёз пўсти билан қопланган, ерустки қисмидан ажратилган, қуритилган, бутун териб олинган, янги тайёрланган ҳолда, меъёрий хужжатларда белгиланган муддатларда йиғиб олиш. Оддий (пиёз) ва мураккаб (саримсоқ пиёз) турлари мавжуд;

Мева (Плоды (Fructus))- Ялпи хосил даврида йиғилган қуритилган ёки янги йиғиб олиган мевалар ва унинг қисмлари.

Поя (Побеги (Cormi))- Меъёрий хужжатлар асосида йиғилган хўл ёки қуритилган, ёғочланган ёки ёғочланмаган бута ва бутачаларнинг поялари;

Куртак (Почки Gemmae)- Пишиб етилмаган қуриб қолган вегетатив поялар.

Йигма (Сборы (Species))- Бир неча доривор ўсимликларнинг қуритилган, майдаланган хом-ашёсининг аралашмаси. Баъзи-бир ҳолларда бу аралашмага туз, эфир мойи аралаштирилади.

Уруг (Семена (Semina))- Ўсимликнинг техник жиҳатдан етилиш босқичи. Уруг ўсимликнинг қуриётган ёки қуруқ қисмидир.

Ут (Травы (Herbae))- Меъёрий хужжатлар асосида, ўсимликнинг ўт қисми қуритилган ёки янги терилган ер устки қисмидир. Меъёрий хужжатларга

асосланиб ўт таркибида барг, поя бўлаклари, гуллар ва баъзи-бир ҳолларда мевалар бўлиши мумкин.

Гул (Цветки (Flores))- Гул – ўсимликнинг гуллаш даврида терилади, улар қуруқ ёки янги терилган ҳолатида бўлиб, гулбанднинг бир қисми ҳисобланади.

Ғудда-Қубба (Шишки (Strobili))-Меъёрий хужжатларга асосланиб, белгиланган муддатда терилади.

Куртак (Почки)- Киш мавсумининг охирида ва эрта баҳорда қачонки, поядаги куртаклар пайдо бўлиши билан терилади. Шунингдек, қорақарағайнинг куртакларини териш учун қаламчалар кесилади ва унинг куртаклари ажратиб олинади. Оққайнинг куртакларини териш учун эса бир вақтнинг ўзида дарахтдан супурги тайёрланаётган вақтда унинг куртаклари ҳам терилади. Куритиш олдин хом-ашё ҳар хил чиқитлардан тозаланади. Бу тадбирлар албатта табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва ободонлаштириш идораларининг рухсати билан амалга оширилади.

Пустлок (Кора)– Дарахт новдаларида барг шаклланиши босқичидан олдин (март-апрель) ва ўсимликда озиқ айланишидан даврида амалга оширилади. Бир вақтда пўстлоқ ёғочдан ажратилади. Шунингдек, пўстлоқ баъзи-бир замбуруғлар, лишайниклар ёки чиқитлардан ҳам тозаланади.

Ер остки аъзолари (Подземные органы)- илдиз, илдизпоя, туганак илдиз ва пиёз.

Ўсимликнинг ер остки қисмлари- одатда куз мавсумида, баъзи-бир ҳолларда вегетация бошланишидан олдин эрта баҳорда тайёрланади. Хом-ашёни тайёрлашдан олдин ер остки қисмлари ўриб олинади ва ўсимликнинг ер остки аъзолари белкурак, кетмон, паншаҳа ва пулугларда қазиб олинади. Қазиб олинган ўсимликнинг илдиз ва илдизпоялари дастлаб ювилади, тупроқдан тозаланади ёки шилимшиқ бўлган ҳолларда улардан ҳоли этилади. Ундан сўнг улар баъзи-бир ҳолларда 5-10 смдан, ёки 10-15 смдан майдаланади. Ширинмия, игир ёки гулхайрининг ер остки қисмлари олинаётганда уларнинг кўргина ён илдизчаларидан тозаланади. Майдалаб кесилган хом-ашё қуритгичларда

қуритилиб, сүнгра қайта ишлаш учун крафт қофозли қопларда алоҳида белги остида қопланади.

Барг (Листья) – Одатда ўсимлик барги ғунчалаш ва гуллаш даврида, барг тўлиқ шакллангандан сўнг териб олинади. Барг меъёрий хужжатларга асосланиб, тўлиқ шакллангандан сўнг ғунчалаш босқичида (бута ва дaraohтларда) пичноқ ва қайчи ёрдамида аста-секинлик билан йигилади. Плантацияларда эса ўт ўсимликнинг барглари (газанда ўт, қалампир ялпиз, уч бўлакли қариқиз, розмарин) одатда, уларнинг ер устки қисми ўриб олинади ва ангарларда (айвон) яхши қуритилгандан сўнг уларнинг барглари қоқиб туширилади. Шунингдек, бута ва дaraohтлардан барг терилаётганда тупдаги 2/3 қисм барглар териб олинади ва қолган барглар тупда қолдирилади. Барг хомашёсидан майда поялар, гуллар, органик ва минерал аралашмалар ажратиб ташланади.

Гул (Цветки) – Хом-ашёсини тайёрлашда алоҳида гуллар ёки гулбандлари билан терилади. Қўл ёрдамида териладиган гул хом-ашёсига доривор мойчечак, доривор тирноқгул ўсимликларида, қайчи ёрдамида териладиган гул хом-ашёсига дўлана, жўка ёки маҳсус мослама ёрдамида йигилади. Плантацияларда маҳсус гул йиғиш машиналаридан фойдаланилади. Хом-ашёнинг айрим турларига алоҳида тартиб қўлланилади (чўл ўлмас ўти – 1 см. гача, доривор мойчечак – 3 см. гача). Хом-ашё йиғилиши билан ўсимликни бошқа қисмларини, зааррланган ёки гуллашдан қолган, ғунча қисмлари ажратиб олинади,

Гунча (Бутоны) -Хом-ашё аччиқ эрмон, япон софораси ўсимликларида гуллар очилиш давригача териб олинади.

Ўт (Трава) - гуллаш даврида йиғиб олинади. Айрим турларини – гулашни бошлаган даврда (аччиқ эрмон, навбатгулли афсонак,), мевалаш даврида (оддий игир). Доривор ўтлар орасидан бегона ўтларни олиб ташлаган ҳолда ўроқ, пичноқ, қайчи ёрдамида ўриб олинади. Ўтларнинг бир турларида ердан 5-10 см юқори қилиб кесиб олинади. Ўсиш нуқтасини сақлаган ҳолда ёки дағаллашган поя қисмидан ташқари (далачой, катта қончўп, дала қирқбўғими, тоғрайхон

навбатгулли афсонак), бошқаларда фақат белгиланган узунликдаги гуллаган қисми ёки ён шохлари (учбўлакли иттиканак). Айрим ҳолларда (бир йиллик ўсимликларда) илдиз қисми билан суғуриб олинади ва сўнгра илдизи кесиб ташланади (Жағ-жағ). Ўсимликларни қайта тикланиши учун 1 м² да ривожланган бир неча экзепляр ўсимликлар қолдирилади. Қуритишдан йифилган хом-ашёнинг қўшимча қисмлари, йўғон ёғочланган поялари олиб ташланади (Бу тадбирлар дастлабки қайта ишлаш ҳисобланади). Айрим ҳолларда қуритишдан сўнг хом-ашё майдаланади (кийик ўти, девзира, доривор мойчечак).

Мева ва ург (Плоды и семена)-Тўлиқ пишган даврда йиғиб олинади (серсув мевалар – эзилмаган, юмшоқ бўлмаган ва б.), Кўпчилик мевалар 60-70% пишиш даврига келганда йиғиб олинади (Соябонгулдошлар, Зифирдошлар, Карамгулдошлар). Қуруқ мева ва уруғларни тайёрлаш даврида одатда ўсимлиknинг ер устки ўриб олинади, қуритилади ва майдаланади (Оқзира). Серсув мевалар қўлда терилади, мева пўстлоғини шикастламаган ҳолда териш керак, чунки шикастланиш мевалар мөгорланади. Айрим ҳолларда кўп шикаст етказмаган ҳолда меваларни маҳсус мосламалар ёрдамида юлиб олинади, шу борада дастлабки ишлов бериш алоҳида эътибор талаб қиласи. Чаканда, дўлана, итбурунлар ва бошқаларнинг мевасини йиғишда шохларни кесиб олиш ёки синдириш йўл қўйилмайди. Дастлабки ишлов беришда серсув мевалар орасидан эзилган, пишиш даври ўтиб кетган, пишмасдан қолган, ҳашоратлар ва зараркунандалар зарарлаганлари олиб ташланади, қуруқ мевалар орасидан эзилиб кетган бошқа ўсимликлар қисмларини, органик ва минерал аралашмалари олиб ташланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
6. Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари, 1-китоб, 184 б.
7. Абу Али Ибн Сино, Тиб қонунлари, ИИ - китоб, Тошкент 1982.
8. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР. ГУГК.
9. осква. 1976. - с.127, 249, -340С.
10. Акопов И.Е. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение, - Т. Медицина, 1986.-368с.
11. Атабоева X.Н. ва бошқалар. Ўсимликшунослик. Ташкент, 1995.
12. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР. Москва, 1976.
13. Артиманов М.И. "Растения и чистота природной среды". М. 1986г., с. 6-37
14. Аҳмедов Ў., Эргашев А., Абзалов А., Юлчиева М. Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология. – Т.: ТошДАУ, 2009.

15. Ахмедов Э.Т., Бердиев Э.Т. Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси Тошкент 2018., ЎзР ФА Минитипографияси, -159 бет.
16. Бердиев Э.Т., Ахмедов Э.Т. Табиий доривор ўсимликлар Тошкент 2018., ЎзР ФА Минитипографияси, -179 бет.
17. Вопросы агротехники возделывания лекарственных культур. Часть 1, Москва, 1987. 397с
18. Гаммерман А.Ф. Определитель растительного лекарственного сырья. – М.: Колос, 1952. 305с
19. Ивашин Д.С., Катина З.Ф., Рибачук Ч.З. Справочник по заготовки лекарственных растений. Киев. 1989. Дарслик 170 ст.
20. Ибрагимов А.Я. Ўзбекистон Республикасини доривор ўсимликлар билан таъминлаш учун тавсиялар. Кимё ва фармация журнали, 1995, №6. С.30-32.
21. Ибрагимов А.Я. Ўзбекистон Республикасини доривор ўсимликлар билан таъминлаш истиқболлари. Кимё ва фармация журнали, 1995, №4. С.4-5.
22. Искандаров З.С. Доривор ўсимликларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. фанидан маъруза матн ва ўкув услугубий мажмуа.2011й.
90 б
23. Мурдахаев Ю.М. Лекарственные культуры в Узбекистане, Ташкент, 2001.
24. Мурдахаев Ю.М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. Ташкент, 1990.
25. Орипов Р., Сулаймонов И., Умурзоқов Э. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Т., «Мехнат», 1991.
26. Пўлатова Т.П., Холматов Ҳ.Ҳ. Фармакогнозия амалиёти. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2002.204с
27. Правила сбора и сушки лекарственных растений (сборник инструкций) Медицина Москва. 1985г, стр.323
28. Справочник по лекарственным культурам. Воронеж, 1963.

29. Турова А.Д. Сапожникова Э. Н. Лекарственные растения СССР и их применение. Москва, 1982.
30. Турова А.Д., Сапожникова Э.Н. Лекарственные растения СССР и их применение. – М.: Колос, 1982.
31. Холматов Х.Х. ва бошқалар Русча-латинча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. Ташкент, 1992.
32. Холматов Х.Х., Аҳмедов Ў.А. Фармакогнозия. Ташкент, 2007 й.
33. Холматов Х.Х., Ҳабибов. Ўзбекистон доривор ўсимликлари. Ташкент, 1971
34. Халматов Х.Х. Дикорастущие лекарственные растения Средней Азии. – Т.: Медицина. 1964.
35. Халматов Х.Х. Основные лекарственные растения Средней Азии. – Т.: Медицина. 1984

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. www.referat.ru
2. www.farming.co.uk
3. www.agronomy.org
4. www.library:breeding of animals and crop plants
5. www.megasearch.biz